

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**УДК343.1(575.1)**

**ЮСУФБЕКОВ НОДИРБЕК ОЙБЕК ЎҒЛИ**

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ  
ЧОРАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТЛАРИ**

5A240104 - Жиноят ҳуқуқи; жиноят процесси

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
**диссертация**

Илмий раҳбар:

ю.ф.д., доцент Г.З.Тўлаганова

**ТОШКЕНТ – 2014**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>1-БОБ. Жиноят процессида прокурорнинг ўрни ва унинг фаолиятининг ҳуқуқий асослари .....</b>	<b>11</b>
1. Жиноят процессида прокурорнинг процессуал мақоми.....	11
2. Жиноят процессида прокурорнинг функциявий ваколат доираси .....	14
<b>I боб бўйича хулоса.....</b>	<b>17</b>
<b>2-БОБ. Дастлабки тергов жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллашда прокурор ваколат доираси .....</b>	<b>19</b>
1. Прокурорнинг ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашдаги ваколатлари .....	19
2. Прокурорнинг шахс эркинлигини чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини қўллашдаги ваколатлари.....	23
3. Прокурорнинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашдаги ваколатлари.....	32
4. Шахсни тиббий муассасага жойлаштиришдаги прокурор ваколатлари .....	42
5. Айбланувчи, судланувчини лавозимидан четлаштиришда прокурор ваколатлари.....	48
6. Шахсни мажбурий келтиришда прокурор ваколатлари.....	52
<b>II боб бўйича хулоса.....</b>	<b>57</b>
<b>3-БОБ. Ишни судга қадар юритишда процессуал мажбурлов чораларини ижро этишда прокурорнинг ваколатлари .....</b>	<b>59</b>
1. Тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунлар ижро этилишини назорат қилишда прокурорнинг бошқа ваколатлари ....	59
2. Процессуал мажбурлов чоралари ижросини таъминлашда прокурорнинг ваколатлари.....	65
<b>III боб бўйича хулоса.....</b>	<b>75</b>
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>77</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>81</b>

## **Кириш**

**Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Ҳуқуқий демократик давлат куриш учун қонун устуворлигини таъминлашда қонунларни аниқ ва оғишмай бажариш фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг ҳимоя қилинишидек муҳим вазифаларни амалга оширишда прокуратура идораларининг аҳамияти катта. Прокуратура идораларининг фаолияти прокурорнинг жиноят процессидаги иштироки, прокурорнинг процессуал мақоми, процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги иштироки “Прокуратура тўғрисида”ги қонунда, “Жиноят-процессуал кодекси” да кўрсатилганидек, қонуннинг устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлашга, жиноят процессида одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш, суриштирув ва дастлабки тергов органлари устидан прокурорнинг назорати, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, ҳуқуқларини ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилгандир.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча унга хизмат қилмоғи даркор. Демократик жамиятда алоҳида фуқаролар эмас, балки уларнинг қонуний ҳуқуқ манфаатлари қандай ҳимоя қилинаётгани прокурорлик назорати объекти ҳисобланади. Прокурорлик фаолиятига улар томонидан қўзғатилган жиноий ишлар ёки жавобгарларликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилинишининг ҳолатига қараб баҳо берилади.”<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасида

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий кадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади”, дейилган. Унга мувофиқ прокурорларнинг бу вазифани бажаришларини ҳажми ва мақоми жуда кенгдир. Шу туфайли прокурорларни назорат соҳаларини бир қадар муҳим йўналишларини қонун билан белгилаб берилиши жуда тўғри ҳал этилган. Агар шундай йўл тutilмаганда прокурорлар назорат объектларини ҳар-ҳил ва кўп тармоқли эканидан асосий эътибор беришлари лозим бўлган соҳаларни аниқ билмасдан барча прокурорлар ўз билганларига, билим ва тажрибасидан келиб чиқиб назорат объектларини белгилаб иш тутган ва бундан прокуратура органларини фаолияти ўз самарасини бермаган бўлар эди. Шу туфайли, “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб, бу йўналишларни аҳамиятини кўрсатиш, ҳамда прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги иштироки, унинг ваколатлари, ундаги расмийлаштириладиган ҳужжатларининг аҳамияти, бунда мавзунинг долзарблигини белгиловчи омиллардан биридир. Ушбу йўналишларни ҳамда прокурорнинг айрим процессуал мажбурлов чораларини алоҳида-алоҳида кўрсатиб ўтишимиз унинг долзарблигини янада яққол кўрсатишга хизмат қилади. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар, ҳарбий қисмлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш прокуратура фаолиятининг энг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у нафақат қонунларга риоя этилиши устидан назорат, балки жинойтчиликнинг ҳар қандай кўринишларига барҳам беришнинг энг сермахсул чораси бўлиб ҳисобланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ бўлган айрим процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги прокурорнинг ваколатларини

таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат ҳам юқоридаги йўналишдан мустақил равишда ажралиб чиққан бўлиб, жиноий таъқиб, маъмурий ишлар олиб борилишида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинлари поймол этилишига йўл қўймаслик унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговда прокурорлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминланиши, жиноят ишини қўзғатиш ва уни рад этиш тўғрисидаги қарорлар, жиноятлар тўғрисидаги тушган ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳал этишнинг қонунийлиги, тезкор-қидирув ишлари, суриштирув ва тергов олиб борилишининг қонунийлиги, айблов хулосаси билан келган ишлар ва бошқа турли процессуал ҳаракатларнинг бажарилишининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширадилар ва айрим жиноятлар бўйича дастлабки терговни ҳам амалга оширадилар.

Фуқароларни ушлаб туриш, қамоққа олишга санкция бериш юзасидан илтимоснома қўзғатиш, айбланувчини қамоқда сақлаш муддатини узайтириш юзасидан илтимоснома қўзғатиш, тергов муддатини узайтиришга рухсат бериш, терговни ҳар томонлама ва холисона бўлиши тўғрисида процессуал қонун талаблари оғишмай бажарилишини таъминлаш билан бир қаторда, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқларини бузилишига йўл қўймаслик, шахс эркинлиги ва унинг турар жойлари дахлсизлиги, айбланувчиларнинг ҳимоя ҳуқуқлари ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш устидан назоратни олиб бориш, прокурор суд муҳокамисида қатнашиб, бир қанча ваколатларини ҳам амалга оширади буларнинг барчаси прокурорларнинг ваколатлари доирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ташкил этилган бўлиб, унинг вазифалари солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга

етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширишдир. Бундан ташқари прокуратуранинг яна бир йўналиши қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этишдир. Ҳозирда Республикамизда Конституцион тамойилларини ҳаётга татбиқ қилиш борасида ислохотлар олиб борилмоқда. “Прокуратура тўғрисидаги” қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинганлиги давлатимизнинг шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилинишини таъминлашга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишларини ислоҳ қилишга қанчалик катта эътибор бераётганлигидан далолат беради. Мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, прокуратура органлари барқарорлик, осойишталик, бунёдкорлик ва жамият тараққиётининг ишончли таянчига айланди. Ислохотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган жараёнга айланган бугунги шароитда қонун устуворлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат ҳокимияти асосларини мустаҳкамлаш уларнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Прокуратуранинг жиноятчиликка қарши кураш органлари билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш заруратини ҳаётимиздаги ўзгаришларнинг ўзи тақозо этмоқда. Айтиш мумкинки, ана шу масъулиятли вазифани муваффақиятли амалга оширишда прокуратуранинг мувофиқлаштирувчилик роли яққол сезилмоқда ва тобора ортиб борапти. Жиноятчиликнинг олдини олишдаги ҳамкорлик самараларини мамлакатимиз фуқароларининг турмуш тарзида рўй бераётган ижобий ўзгаришларда, халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришида, одамларнинг бу органларга ишончи янада мустаҳкамланаётганида кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Амалиётдан шу нарса яхши маълумки, жиноятни фош этиб, жазо тизимини қўллашдан кўра, унинг олдини олиш давлат учун ҳам, жамият учун ҳам ҳар томонлама афзал ва фойдалидир. Прокуратуранинг энг устувор вазифаларидан бири фуқароларни қонунга хурмат руҳида тарбиялашдир. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Қонун устуворлигини

таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолини ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади.”<sup>2</sup>. Демак, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий шартларидан бири – бу кишиларда қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялашдан иборат. «Қонунни ҳурмат қилиш – демократиянинг ажралмас белгисидир. Айни вақтда демократиянинг ўзи ҳам қонунга мустаҳкам таянмас экан, муваффақиятли ривожлана олмайди.»<sup>3</sup>

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Тадқиқотнинг объекти бўлиб жиноят процессида прокурорнинг процессул мажбурлов чораларини қўллашда ушбу институти бўйича юзага келадиган жиноят процессуал муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади прокурор-тергов ходимлари, бу муаммони ўрганиш истагида бўлган ҳуқуқшуносларга прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларини кенгроқ ёритиб бериб, уни самарали ишлаши учун илмий йўлланма беришдир. Мавзунинг моҳияти прокуратура фаолиятининг турли процессуал мажбурлов чораларини қўллашда учрайдиган айрим муаммоларни бартараф этиш ва бу фаолиятни янада такомиллаштиришдан иборат. Прокурорнинг процессуал мақомини, жиноят процессидаги иштирокини яъни айрим процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги иштироки, прокурор фаолиятини ташкил этиш масалаларини тўғри ҳал қилиниши пировард натижада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг қонун томонидан мустаҳкам ҳимоя қилиниши ва

<sup>2</sup> Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -366 б.

<sup>3</sup> Ҳалилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгининг ўрни. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 9-б.

қонунчиликни таъминланишини ҳисобга олиб, ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади буларни амалиётдаги муаммоларини ечишга хизмат қилишдир.

Ушбу мақсадга қуйидаги вазифаларни бажариш орқали эришилади шундан иборатки, бугунги кунда тобора юксалиб бораётган демократик ва суверен мамлакатимизда чинакам ҳуқуқий давлат барпо этиш даврида прокуратуранинг турли соҳаларда қонунчиликка қатъий риоя қилиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, янги асосда прокуратура фаолиятини асосий йўналишларини алоҳида тарзда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида» ва «Жиноят процессуал ҳуқуқи» ги қонун ва бошқа процессуал қонунлар асосида ёритиб берилмоқда.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Тадқиқот иши доирасида изланиш натижаларига кўра: 1) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, шахсни шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини белгиловчи қонун талабларига қатъиян риоя этилишини прокурорнинг назоратини янада кучайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

2) жиноят-процессуал ҳуқуқида дастлабки тергов жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллашда прокурор ваколатини иштирокини очиб бериш; 3) дастлабки терговда прокурорнинг процессуал мақомини ва процессуал мажбурлов чоралари институтини жорий этиш истиқболлари билан боғлиқ назарий ва амалий масалаларни ҳал этиш борасида аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди; 4) жиноят ишлари бўйича дастлабки терговда процессуал мажбурлов чораларини қўллашда прокурор ваколатларини ҳамда уни қўллаш билан боғлиқ процессуал тартиб тамойилларни ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва тавсиялар киритилади; 5) Прокурорларнинг ривожланган давлатлардаги ҳамкасбларини илғор тажрибаларини ўрганиш ва бизнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва бошқалар.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Процессуалист олимлар томонидан прокурор назоратига бағишланган жуда кўплаб илмий асарлар яратилган. В.И.Басков, Н.В.Григорьев, А.Н. Мишутин, А.Я.Сухарев, А.Д.Давлетовларнинг прокурор назоратига бағишланган китобларида ҳамда процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги ваколатларига унинг асосий йўналишларига ҳам таъриф берилган. Р.Д.Рахунов, В.П.Рябцев каби ҳуқуқшунослар прокуратура фаолияти тўғрисида илмий асарлар ёзганлар. Ю.Скуратовнинг прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларига бағишланган бир қанча мақолалари мавжуд. Ўзбек олимларидан М.Х.Рустамбаев, У.А.Тухташева ҳам ўзининг «Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар», “Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш” номли китобларида прокурор назоратининг умумий йўналишларига, прокурорнинг процессуал мақомига, эҳтиёт чорасини қўллашдаги ваколатларига бағишланган илмий мақолалар, асарлар яратганлар. Г.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонова, Б.Х.Пўлатов, Г.З.Тулаганова, Б.Б.Хидоятлов, процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги ваколатларига, эҳтиёт чораларини қўллашдаги прокурорнинг ваколатларига айрим жиҳатлари хусусида илмий мақолалар, илмий асарлар яратганлар. М.Махбубов «Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане» мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган. Ҳозирги кунда ҳам бир неча тадқиқотчилар прокурорнинг процессуал мақоми тўғрисида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонун қабул қилингандан буён прокуратура органларини алоҳида йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, улар процессуал мажбурлов чоралари қўллашда прокурор иштирокини тўлиқ ҳажмда ўз ичига олмаган. Прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, тушунчаси, унинг вазифалари, моҳияти ва бу йўналишларда прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги ваколати ва унинг фаолиятига тегишли қоидалар, унинг субъектларининг бир-бири билан бўлган муносабатларини

тадқиқ этилиши жуда муҳимдир.

Диссертацияни ёзиш жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллашдаги айрим муаммолар ва уни такомиллаштириш йўллари ўрганилди.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.** Тадқиқотни амалга оширишда илмий билишнинг диалектик усули, шунингдек тарихий, мантиқий, эмперик, статистик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-структуравий ва шу каби бошқа илмий усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Илмий изланиш натижасида қилинган таклиф, тавсия, хулосалар давлатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, жиноят процессуал ислохотларни давомий мантиқий сифатида прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллашда прокурор ваколатини янада такомиллаштиришда ва бу борада қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қонун тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан “Жиноят процессуал ҳуқуқи” фанидан маърузалар ўқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** шундан иборатки, прокуратуранинг турли соҳаларда, айниқса жиноят процессуал қонунчиликка қатъий риоя қилиш тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, ушлаб турилганларни, камокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ва прокурорнинг ваколатлари прокуратура фаолиятини асосий йўналишларини алоҳида тарзда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонун, Жиноят процессуал кодекси ва бошқа процессуал қонунлар асосида ёритиб берилмоқда.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация кириш ва хулоса қисмларидан ташқари уч боб ва уларга тегишли ўнта параграфдан, хулоса, шунингдек фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I -БОБ. Прокуратура органлари тушунчаси ва прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

### **1. Прокуратура органлари тушунчаси, вазифаси ва уларни қонунчиликни таъминлашдаги ўрни**

Қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг конституцион бурчидир. Шу билан бирга фуқароларнинг конституцион шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан қўриқланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга масъул бўлган органлар, ташкилотлар томонидан қонунлар ижросини қай даражада бажаришларини назорат этиш прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

Прокуратура сўзи латинчадан олинган бўлиб, **procedure** – яъни ғамхўрлик қиламан, таъминлайман, бартараф қиламан деган маъноларни англатади. Бу орган мамлакатда қонунийлик ва адолатни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. 1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонуни суверен республикамиз прокуратурасининг янги даврини бошлаб берди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларда прокурорларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари, уларнинг ваколатлари, прокуратура тизими ва уларнинг вазифалари аниқ белгилаб берилди. Лекин давр прокуратура органлари фаолиятини янги шароитда янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бунинг яққол исботи 2001 йилнинг 29 августда «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилинишидир. Бу қонунда прокурорлар фаолиятига бирмунча чекланишлар киритилди, масалан фуқаролар назорат объекти қаторидан олиб ташланди, чунки демократик жамиятда назорат объекти фуқаролар эмас, балки

уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашда қонунларга риоя этишни назорат қилишдир. Прокурорларнинг амрнома киритиш хусусидаги ваколати ҳам бекор қилинди. Яна киритилган қатор ўзгаришлар шуни кўрсатадики, прокуратура фаолияти хусусидаги қонунчилик давлатимизда ривожланиб, такомиллашиб, демократлашиб бормоқда. Ўзбекистонда жиноят ишларининг судлар томонидан кўрилишида прокурорнинг иштироки давлат айбловини қўллаб қувватлаш; далилларни текшириш; қонуннинг қўлланиши хусусида ўз фикрини билдириш; ишларни суддан талаб қилиб олиш ва чақириб олиш; суд қарорларининг устидан назорат қилиш ва уларга протест келтириш кабиларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддасига кўра, прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадilar. Прокуратура органларининг бу конституциявий мақоми уни маҳаллий органлар таъсирида эмаслигини кафолатлайди. Прокуратуранинг ташкилий фаолиятидаги муҳим хусусияти унинг ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари, маҳаллий органлар ва мансабдор шахслардан мустақиллигидир.

Прокурор жиноят ишини кўзғатишга, жараённинг бошланишида кўзғатилган ишга киришишга, иш материаллари билан танишишга, улардан кўчирмалар ва нусхалар олишга, далиллар тақдим этишга, гувоҳларга, экспертларга, мутахассисларга, таржимонларга, даъвогар, жавобгарларга ва жиноят ишида иштирок этаётган бошқа шахсларга одил судловни амалга оширишда кўмаклашувчи шахсларга саволлар беришга, далилларнинг текширилишида иштирок этишга, илтимослар қилишга, судга оғзаки ва ёзма баёнотлар беришга, иш мазмуни бўйича, шунингдек ишни кўриш вақтида келиб чиққан айрим масалалар бўйича судга ёзма ва оғзаки хулоса беришга, важ ва мулоҳазаларини баён қилишга, ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг илтимос, важ ва мулоҳазаларига қарши эътирозлар

билдиришга, суд мажлиси баёни билан танишишга, баёнга изохлар беришга, суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарорлари, ажримлари ва қарорлари устидан кассация протестини билдиришга ва кассация инстанция ишга оид янги материаллар топширишга, кассация инстанцияда фикрларни беришга, протестни қувватлашга, протестни қайтиб олишга, ҳал қилув қарорлари, ажримлари, қарорлари қонуний кучга кирган ишларни назорат тартибида кўриш учун талаб қилиб олишга, ишнинг назорат тартибида кўрилишида прокурорнинг протестини қувватлашга, суд раислари томонидан келтирилган протестлар юзасидан хулоса беришга, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорларини, ажримлар ва қарорларни янгидан очилган ҳолатлар бўйича қайтадан кўриш тўғрисида илтимослар қилишга, суд ижрочисининг ва қарорларни ижро этувчи бошқа органларнинг нотўғри ҳаракатлари устидан протест келтиришга, шунингдек Жиноят процессуал қонунчиликда ва «Прокуратура тўғрисидаги» қонун бўйича берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақлидир.

Прокурор судларда ишни кўриб чиқиш вақтида қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади. Прокурор ишни судда кўришга тайёрлаш, ишларни биринчи инстанция судида, кассация ва назорат тартибида кўриб чиқишда қатнашиш, ишларни кўриб чиқиш вақтида келиб чиққан масалалар юзасидан ўз фикрини бериш, судда фуқаролик ишини кўзғатиш, судга аризалар топшириш ҳамда жиноят ишларининг моҳияти юзасидан умумий хулосалар бериш ҳамда ЖПК ва "Прокуратура тўғрисида"ги қонунда кўзда тутилган бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатларига эгадир. Прокурор ишда иштирок эта туриб, суд фаолиятини назорат қилмайди, балки қонунийликни таъминлаш ва одил судловни амалга оширишга кўмаклашади. Шу сабабли прокурор процессда қайси томоннинг ҳуқуқини ҳимоя қилишига қарамасдан, процессда қайси тарафнинг ҳуқуқи бузилса, барча ҳолларда ана шу бузилишларга қарши чиқиши лозим. Бундан ташқари прокурор, даставвал тутган йўлидан қатъий

назар, судда низо кўрилганидан сўнг оқибатда ҳақли чикқан тарафнинг манфаатини ҳимоя қилади.

## **2. Прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари**

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида кўрсатилганидек, прокуратура органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиш тартиби, шунингдек уларнинг фаолият уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV боби прокуратура органларига бағишланган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, Конституциянинг 118-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширилиши кўрсатилган. Прокуратуранинг ҳуқуқий асослари махсус қонун, яъни 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда акс эттирилган.

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунинг 4-моддасига кўра прокуратура органлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ўз фаолиятини амалга оширади:

– Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 20-23-моддалари);

– Фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш («Прокуратура тўғрисида»ги

қонуннинг 24-26-моддалари);

- Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш;

- Тезкор қидирув фаолиятини, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 27-29-моддалари);

- Жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;

- Судларда жиноят ишлари кўриб чиқиладиганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;

- Солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 33-36-моддалари);

- ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 30-32-моддалари);

- қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Прокуратура органлари фаолиятини асосий принциплари бирлик, ошқоралик, марказлашганлик ва қонунийлик бўлиб, бу қоида «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида белгиланган.

Қонуннинг 6-моддасида прокурорнинг ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, тафтиш, текширишлар ўтказиш, мутахассис ажратиш, прокуратурага келиш ва аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш, қонунбузарликларни, уларга имконият яратаётган сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек қонунга риоя этиш тўғрисидаги ўз ваколатлари доирасида қўяётган талабларини бажариш барча фуқаролар ва юридик шахслар учун мажбурийлиги кўрсатилган. Прокуратура органлари фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ҳамда юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқадир ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари мажлисларида белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга («Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 7-9-моддалари).

Прокуратура органлари тизими қуйидагилардан иборат («Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддаси):

– Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси; Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси; Вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари; Туманлар ва шаҳарлар прокуратуралари; Вилоят прокуратурасига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси; Туман прокуратураларига тенглаштирилган ҳарбий округлар, ҳудудий ҳарбий, транспорт ва ихтисослаштирилган прокуратуралар; Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳузурида Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда прокуратура органларидаги лавозимларга тайинланадиган шахсларга нисбатан талаблар, уларнинг қасамёди, прокурорлар фаолиятини баҳолаш, уларнинг моддий ва ижтимоий,

моддий-техника таъминоти таъминоти масалалари белгилаб қўйилган. Жиноят-процессуал, Фуқаролик-процессуал кодексларида ҳам прокурорнинг процесснинг ҳар бир босқичдаги иштироки, унинг ҳуқуқий ҳолати ва ваколатлари атрофлича ёритиб берилган.

### **I боб бўйича хулоса:**

1. Қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳар бир фуқаронинг конституцион бурчидир. Шу билан бирга фуқароларнинг конституцион шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар билан қўриқланади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга масъул бўлган органлар, ташкилотлар томонидан қонунлар ижросини қай даражада бажаришларини назорат этиш прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал ҳуқуқида асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилади ҳамда бунда прокурорнинг процессуал мажбурлов чораларини қўллашда унинг иштирокини янада такомиллаштиришга қаратилган.

2. Жиноят процессининг ҳар бир институти, прокуратура фаолиятини амалга оширишда прокурор назорати ҳужжатлари ҳам муҳим ўрин тутди. ҳар бир процессуал ҳужжат жиноят ишини тўла, ҳар томонлама, холисона тергов қилиш ва адолатли ҳал этишнинг кафолатидир.

3. Ўзбекистон Республикасида шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашни назарда тутадиган қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири қуйидагилардир: 1) суриштирув ва дастлабки тергов органлари устидан прокурор назорати шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кафолатлаш юзасидан янги қонун меъёрларини ишлаб чиқиш ҳамда қонунийликнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий негизларини такомиллаштириш; 2) прокуратурага оид бевосита таъсир ўтказувчи жиноят процессига бевосита алоқадор бўлган жиноий-ҳуқуқий норма ва

институтларни такомиллаштириш; 3) суриштирув, тергов, прокуратура органлари ва суднинг жиноят ишларини тергов қилиш, ишни ҳал этиш ҳамда ҳукмнинг ижросини таъминлаш чоғида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлашга қаратилган мажбуриятларини янада кенгайтириш.

4. Жиноят процессида жиноят процесси иштирокчилари сифатида прокурорнинг ҳуқуқларини янада такомиллаштиришни кафолатлаш ҳақидаги меъёрларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ҳамда бошқа ҳужжатларда кенг ўрин берилган ҳамда улар жиноят процессининг барча босқичлардаги иштироки билан чамбарчас боғлиқ.

## **2-БОБ. Дастлабки тергов жараёнида процессуал мажбурлов чораларини қўллашда прокурор ваколатлари**

### **1. Прокурорнинг ушлаб туриш тарзидаги процессуал мажбурлов чорасини қўллашдаги ваколатлари**

Ушлаб туриш бошқа процессуал мажбурлов чораларидан кўпроқ қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўхшайди ва юқорида тилга олинган қамоққа олишнинг кўплаб тавсифлари ушлаб туришга ҳам тааллуқлидир. Ушлаб туриш жараёни бир неча босқичлардан иборат: 1) шахсни ушлаш; 2) уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органига олиб бориш; 3) ушлаб туришни юридик расмийлаштириш; 4) гумон қилинувчини сўроқ қилиш; 5) шахс ушланганлиги тўғрисида тегишли жойларга хабар бериш; 6) ушлаб турилган шахсни озод қилиш ёки уни келгусида қамоққа олиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш юзасидан қарор қабул қилиш.<sup>4</sup>

Ушлаб туришга жиноят-процессуал мажбурлов чораси сифатида қаралганда, унинг қамоққа олиш билан муносабатига алоҳида урғу берилади. Қоидага кўра, ушлаб туриш қамоққа олиш учун замин ҳозирлайди ва такомиллашиб, қамоққа олишга айланади. Амалдаги процессуал қонунчиликда, худди турли назарий мунозараларга яқун ясалгандек, ушлаб туриш эҳтиёт чоралари эмас, алоҳида процессуал мажбурлов чоралари рўйхатига киритилган (27-боб, 220-235-моддалар). Бундай йўл тутилганлиги ўзини тамоман оқлайди, чунки гумон қилинувчини ушлаб туриш ҳам жиноят иши бўйича далилларни тўплаш мақсадларини кўзлайди. Бироқ, жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ушлаб туриш фактининг ўзи эмас, балки унинг давомийлиги орқали таъминланади. Гумон қилинувчи қанча узоқ муддат жамиятдан ажратилган ҳолда сақланса, унинг далилларни тўплаш мақсадида тергов ҳаракатларини ўтказишга тўсқинлик қилиш даражаси шунчалик кам

<sup>4</sup> Россинский С.Б. Уголовный процесс России. Курс лекций. –М.: Эскмо, 2008. –Б.175. (576 б.)

бўлади (масалан, ўзига мақбул кўрсатувларни бериш учун гувоҳларни кўндиришга уриниш, далилларни яшириш ва йўқотиб юборишнинг олдини олиш). Бир вақтнинг ўзида жинойт ишини юритаётган органлар ва мансабдор шахсларда ушланган шахснинг мазкур жинойтга алоқадорлиги ва жинойт ишининг дастлабки босқичида зарур бўлган бошқа далилларни олиш ва мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар юзага келади.

ЖПКнинг 226-моддасига биноан ушлаб туриш ушланганни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб кўпи билан 72 соатни ташкил этади. Терговчи ёки прокурор томонидан зарур ва етарли асослар тақдим этилганда ушлаб туриш суднинг қарори билан кўшимча равишда 48 соатга узайтирилиши мумкин. Баъзи МДХ давлатлари ва кўплаб ривожланган мамлакатлар қонунчилигида ушлаб туриш муддати 48 соат қилиб белгиланган (РФ Конституциясининг 22-моддаси, Португалия Республикаси Конституциясининг 28-моддаси). Айрим мамлакатларда бу муддат 24 соатдан ошмаслиги лозим (Бельгия Конституциясининг 12-моддаси).<sup>5</sup> РФ қонунчилигига кўра, шахс 48 соат мобайнида ё озод қилиниши ёхуд унга нисбатан эҳтиёт чораси тарзида қамоқда сақлаш қўлланиши шарт. Фақат айрим мураккаб ҳолатларда, агар ушлаб турилган шахсни қамаш учун прокурор тақдим этган материалларни етарли эмас деб ҳисобласа, прокурорнинг илтимосномасига кўра суд шахсни 72 соатгача ушлаб туришга рухсат беради. Баъзилар бу қонидани гўё суд 48 соатдан ташқари яна 72 соат, жами 120 соатгача ушлаб туришга рухсат беради, деб тушунтирадилар,<sup>6</sup> бошқа муаллифлар эса, шахсни ушлаб туриш умуман 72 соатдан ошмаслиги шарт деб ҳисоблайдилар.<sup>7</sup> Ғ.А. Абдумажидов ҳам ушлаб туриш муддатини 48 соат қилиб белгилаш, зарур ҳолларда бу муддатни суд томонидан 72 соатгача узайтириш, терговчининг муддатни узайтириш тўғрисидаги

<sup>5</sup> Григонис Э.П., Григонис В.П. Конституционное право зарубежных стран. –СПб.: 2002. –Б. 41.

<sup>6</sup> Мизулина Е. Новый порядок ареста и задержания соответствует Конституции РФ и международным правовым стандартам // Российская юстиция. –2002. –№6. –Б.14.

<sup>7</sup> Горобец Б. Принятие судебных решений о заключении под стражу // Российская юстиция. –2002. –№6. –Б.18.

илтимосномасини суд томонидан икки соатдан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифларни маъқуллаганлар.<sup>8</sup> Бизнингча, бу борада Ғ.А. Абдумажидовнинг қуйидаги фикрларини инобатга олиш лозим: «Шахсни фактик ушлашдан то уни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органигача келтириш вақти анча давомли бўлиши мумкин, шу жиҳатдан ушбу муддатни ушлаб туриш муддатига киритилмаслиги адолатдан эмас»<sup>9</sup>. А.О. Шарафутдинов ҳам шахсни кўчада ушлаб, ҳуқуқ-тартибот идорасига келтириш, унинг иштирокида тергов олди ва тергов ҳаракатларини ўтказишга кетган вақт назардан четда қолаётганлигини таъкидлаган эди<sup>10</sup>. Демак, қонунчилигимиздаги ушлаб туриш ушланганни милицияга ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошланиши тўғрисидаги қоида «шахс ҳақиқий ушланган вақт» сўзларига алмаштирилиши лозим. И.Л. Петрухин ушлаб туришни икки гуруҳга ажратишни таклиф этади: 1) суриштирув органи, терговчи, прокурорнинг дастлабки чиқарилган қарорисиз; 2) шундай қарор асосида. Биринчи гуруҳга мансуб бўлган ушлаб туриш жиноят иши кўзғатилгунга қадар суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш ваколатига эга бўлмаган шахслар – жамоат тартибини сақлаш функциясини бажараётган милиция ходимлари, шунингдек хусусий шахслар томонидан, иккинчи гуруҳдагиси эса кўзғатилган жиноят иши бўйича суриштирув органи, терговчи ва прокурорнинг тегишли қарори асосида амалга оширилади. Бунда ушлаб туришнинг ҳар икки тури ҳам жиноят-процессуал ушлаб туриш деб эътироф этилиши, ушлаб туриш муддатлари эса тергов ҳибсхоналарида камокда сақлаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоси муддатларини ҳисоблашда эътиборга олинishi лозим. Шахс суриштирув органига келтирилганида,

<sup>8</sup> Абдумажидов Г. Судебный порядок заключения под стражу: законодательство, проблемы и решения. // Перспективы и развитие адвокатуры Узбекистана и зарубежных стран. Материалы научно-практической конференции. 31 октября -1 ноября 2007 г. –Москва, Самарканд: 2008. –Б.87.

<sup>9</sup> Абдумажидов Г. Ювенальные нормы в Уголовно-процессуальном кодексе Узбекистана. // Хуқуқ. Право. Law. -2006. -№2. –Б.50.

<sup>10</sup> Шарафутдинов А. Ушлаб туриш институтининг такомиллашуви. // Хуқуқ. Право. Law. -2005. -№3. –Б.5.

келгусида жиноят иши кўзғатилиши ёки кўзғатилмаслигидан қатъи назар, зудлик билан бу ҳақда баённома тузилиши керак»<sup>11</sup>. Чет мамлакатлар тажрибасига эътибор берадиган бўлсак, кўпчилик ривожланган ғарб давлатларининг қонунчилигида на махсус жиноят ишини кўзғатиш босқичи, на махсус процессуал қарор қабул қилишнинг мажбурийлиги назарда тутилмага<sup>12</sup>.

Францияда прокурорнинг ваколатига мансуб бўлган жиноий таъқибни кўзғатиш институти мавжуд. Францияда ишни судга қадар юритиш худди Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги каби уч босқичдан: суриштирув, жиноий таъқибни кўзғатиш ва дастлабки терговдан иборат. Жиноий таъқибни кўзғатиш суриштирувга қадар эмас, балки қатъий тарзда ундан кейин амалга оширилади<sup>13</sup>. Прокурор томонидан жиноий таъқибни кўзғатиш масаласи, жумладан, суд полицияси томонидан ушланган шахс унинг хузурига келтирилганда ҳал этилади<sup>14</sup>.

Шундай қилиб, кўпчилик ривожланган хорижий давлатларда ушлаб туришга ўхшаш процессуал ҳаракат жиноий таъқибни кўзғатиш учун сабаб ва асос бўлади. Олимлар ўртасида, жиноят ишини кўзғатмасдан туриб, тергов ҳаракатларини ўтказиш ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш инсон ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади, деган хавфсирашлар мавжуд. деб ҳисоблайди. Бироқ инсон ҳуқуқлари кўзғатилган жиноят ишларида ҳам бузилиши мумкин. Шу жиҳатдан муаллифларнинг «...ҳар қандай процессуал ҳаракат сингари ушлаб туришда ҳам етарли фактик маълумотларга таяниш лозим»,<sup>15</sup> деган фикрларига қўшиламыз. Жиноят ишини кўзғатишнинг мажбурийлиги кўзда тутилмаган чет мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари кам учрайди. Бизнингча, бунинг сабаби бу чораларни

<sup>11</sup> Петрухин И.Л. Человек и власть. –М.: 1999. –Б. 279, 288, 289.

<sup>12</sup> Гуценко К.Ф. Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. –М.: 2001. –Б. 217.

<sup>13</sup> Головки Л.В. Дознание и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. –М.: 1995. –17.

<sup>14</sup> Ўша жойда. –Б.50.

<sup>15</sup> Баранов А.М., Супрун С.В. Задержание подозреваемого: процессуальное обоснование законности. // Уголовный процесс. -2008. -№1. –Б.16.

қўллаш устидан суд назоратининг ўрнатилганлиги, химоянинг юксак савияда таъминланганлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданиятга эга эканлигидир ва республикамиз қонунчилигининг ҳам шу йўналишдан бораётганлиги айтилиши мумкин.

## **2. Прокурорнинг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораларини қўллашдаги ваколатлари**

Жиноят процессида эҳтиёт чораларининг қўлланиши асослари ЖПКнинг 236-моддасига кўрсатилган бўлиб, у ҳақиқий зарурат бўлган тақдирдагина жиноят ишларини судда юритиш вазифаларини амалга ошириш учун айбланувчига нисбатан (истисно ҳолларда гумон қилинувчига, шунингдек судланувчига, ҳукм қонуний кучга киргунга қадар маҳкумга нисбатан) ваколатли мансабдор шахслар томонидан қонунда назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда айбланувчи, судланувчи суриштирувдан, дастлабки терговдан ва суддан бўйин товланининг олдини олиш; унинг бундан буёнги жиноий фаолиятига чек қўйиш; унинг иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга ҳалал берадиган уринишларига йўл қўймаслик; ҳукмнинг ижро этилишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Одатда, эҳтиёт чоралари айбланувчига, судланувчига, маҳкумга ва ақли норасо деб эътироф этилган ёки жиноят содир этганидан сўнг руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатангина қўлланилиши мумкин. Фақат алоҳида ҳолларда жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсга нисбатан ҳам қамоқда сақлаш тарзидаги эҳтиёт чораси кўпи билан ўн кунлик муддатга қўлланилиши мумкин. Бу муддат тугаши билан гумон қилинувчига айб эълон қилиниши керак ёки эҳтиёт чораси бекор қилинади ва шахс қамоқдан озод этилади.

Айбланувчи шахсининг дахлсизлиги эҳтиёт чораларини қўллаш ҳуқуқи қонунда қатъий белгиланган мансабдор шахслар ва органлар доирасига тааллуқли бўлганда яхшироқ қафолатланади. Улар сирасига қонун

суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судни киритади. Прокурор эҳтиёт чорасини танлашда энг муҳим вазифаларни ҳал этади. Чунки прокурорнинг ўзи эҳтиёт чорасини танлаши билан биргаликда, у Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 34-моддасига биноан яна бир қатор масалаларни ҳал этиши назарда тутилган. Бу қонунларга асосан эҳтиёт чорасини танлаш ваколатига эга бўлган суриштирувчи ва терговчи айбланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги қарорини прокурорга тақдим этиши керак ва прокурор уларнинг бу қарорини бекор қилиши, ўзгартириши ёки тасдиқлаши мумкин.

Айблов хулосаси билан келган жиноят иши бўйича прокурор ёки унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 386-моддасига биноан айбланувчи шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси қўллаш заруратини текширади. Эҳтиёт чорасини қўллаганда прокурор томонидан айбланувчи шахс содир этган жинояти ва унинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда айбланувчининг шахси етарли даражада эътиборга олинганлиги, дастлабки терговнинг якуний босқичида шахсга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасининг зарурати мавжудлиги ҳолатлари ҳам текширилиши шарт. Прокурор томонидан эҳтиёт чорасини танлашда ЖПКнинг 238-моддасида айтиб ўтилган ҳолатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга, яъни қўйилган айбнинг оғирлигини, айбланувчининг шахсини, мунтазам турар жойи борлиги, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, қарамоғида вояга етмаган болалари борлиги ва бошқа ҳолатларни эътиборга олиши лозим. Агар прокурор томонидан иш материалларида айбланувчига нисбатан реабилитация асослари (ЖПКнинг 83-моддаси) мавжуд бўлса, яъни иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса, қилмишда жиноят таркиби бўлмаса ёки айбланувчининг содир этилган жиноятга даҳли бўлмаса, қўлланган эҳтиёт чорасини бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Бундан ташқари ЖПКнинг 84-моддасига кўрсатилган айбланувчининг айблилиги тўғрисидаги масала ҳал этилмаган ҳолларда ҳам

эхтиёт чораси прокурор томонидан бекор қилинади. Қуйида эҳтиёт чораларининг барча турларини қўллашда прокурорнинг вазифаларига тўхталиб ўтамиз.

**Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат** тарзидаги эҳтиёт чораси тергов ва суддан яширинмаслик, жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслик, жиноий фаолият билан шуғулланмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақируви билан етиб келиш ҳақида берилган ёзма мажбуриятдан иборат бўлади. Прокурор мазкур эҳтиёт чорасини айбланувчи ёки гумон қилинган шахсга нисбатан қўллаганида, у томонидан содир этилган жиноятнинг аҳамиятга эга бўлган ҳолатларини ўрганadi. Эҳтиёт чораси тўғрисидаги масалани ҳал қилишда у қўлланadиган шахснинг келгусидаги хулқ-атворини ҳам баҳолашга тўғри келади. Шахснинг хулқ-атворини баҳолашда бошланғич маълумотлар билан бирга иш бўйича тўпланган содир қилинган жиноятнинг оғирлигини, айбланувчининг шахси, унинг айб шаклини жиноий жавобгарликка жалб қилинишига боғлиқ бўлган мақсадни характерловчи далиллар ҳам хизмат қилади. Прокурор эҳтиёт чораси танлаш масаласини тўғри ва асосли ҳал қилиш учун ишнинг барча фактик ҳолатларига баҳо бериши зарур ва айбланувчига нисбатан бу чорани қўллашни тақозо этувчи унинг хулқ-атвори эҳтимоли тўғрисида тўпланган далиллар асосида хулоса қилиши лозим. Жиноий жавобгарликка тортиладиган шахснинг хулқ-атворини олдиндан аниқ кўра билиш қийин. Шунинг учун эҳтиёт чораси ҳақидаги масалани ҳал қилишда прокурор томонидан айбланувчининг эҳтимолий хулқ-атвори аниқланади, бироқ бундай хулқ-атвор ҳақидаги хулоса тахминларга эмас, балки айбланувчини терговдан ва суддан яшириниши мумкинлиги, ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши, жиноий фаолият билан шуғулланиши, ҳукми ижросидан бўйин товлаши мумкинлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи объектив аниқланган фактларга, реал далилларга асосланиши лозим. Шу билан бирга бу турдаги эҳтиёт чорасини танлаш учун

прокурорга бу тахминлардан бирининг ўзи кифоя. Муносиб хулқ-атворда бўлиш эҳтиёт чорасини танлашда айбланувчининг ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори эҳтимоли тўғрисидаги гувоҳлик берувчи маълумотлардан ташқари мустақил холда жиноят содир қилишда айбланувчини фош қилувчи фактик маълумотлар ҳам асос бўлиб ҳисобланади. Прокурор муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда энг асосан эътибор берадиган томони айбланувчининг муайян турар жойи борлигини текширишдир, чунки доимий яшаш жойи бўлмаган шахсларга нисбатан бу эҳтиёт чораси қўлланиши мумкин эмас. Муносиб хулқ-атворда бўлиш тилхати асосида айбланувчи прокурорни ўз турар жойи ўзгарганлиги тўғрисида дарҳол хабар қилиши қилиши керак ва аҳоли пунктидан чиқиб кетмаслик, шу аҳоли пункти доирасида истиқомат жойида бўлиш мажбурияти айбланувчи зиммасига юклатилади. Бу мажбурият билан уларни прокурор таништириши ва ушбу мажбуриятни бажармаслик оқибатида уларга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланилишини тушунтириши лозим. Айбланувчи муносиб хулқ-атворда бўлиши ҳақидаги тилхатда бу тўғрида қайд этиб, ўз имзолари билан тасдиқлашлари керак. Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхатни прокурор тегишли қарор орқали айбланувчига эълон қилади.

**Шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллигининг** эҳтиёт чораси сифатидаги афзаллиги шундан иборатки, айбланувчи эркинликда қолади, ўз меҳнат фаолиятини давом эттиради, оиладан ажралмайди. Айбланувчига уни тегишлича тутишга мажбур этадиган ахлоқий омиллар таъсир қилади. Прокурор бу эҳтиёт чорасини қўллаганида айбланувчига суриштирув органи, терговчи, прокурор ва суднинг чақириғига кўра келиш ва яшаш жойининг ўзгаргани тўғрисида маълум қилиш мажбуриятларини юклайди. Айбланувчи ана шу мажбуриятлардан исталганини бузган тақдирда унга нисбатан янада жиддий эҳтиёт чораси қўлланиши мумкинлиги тўғрисида прокурор уни

огоҳлантириши керак. Кафилликнинг ҳар икки тури умумий мақсадни: айбланувчининг тегишли хулқ-атвори ва унинг прокурор ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг чақириғига кўра ҳозир бўлишини таъминлашни назарда тутди (ЖПК 251,252-моддалари). Лекин кўпгина давлатларнинг процессуал қонунчилигида кафиллик фақат айбланувчининг чақириқлар бўйича келишини таъминлаш билан чекланади. Кафиллик мақсадини бундай асоссиз изоҳлаш эса мазкур эҳтиёт чорасининг самарадорлигини пасайтиришга қодир тор маънода тушуниш олиб келади. Кафилликнинг ҳар икки тури айбланувчи учун бирор бир ҳуқуқда чеклашлар жорий этилиши билан боғланмаган. Айбланувчи зиммасига олган мажбуриятларнинг бирортаси ҳам ҳуқуқни чекламайди. Қонун томонидан ҳеч қандай ҳуқуқий чеклашлар белгиланмаган. Ҳуқуқни чеклашлар жорий этилганда уни кенг талқин этишга йўл қўйиб бўлмайди. Идоравий йўриқномаларда шахс эркинлиги ва дахлсизлигини чеклашга йўл қўйилмаслиги керак. Қонун томонидан эҳтиёт чораси сифатида шахсий кафилликни эҳтиёт чораси сифатида танланганда ҳам айбланувчининг иш ёки ўқиш жойидаги маъмуриятни хабардор қилишни назарда тутмайди. Бундай хабардор қилиш айбланувчини вақтдан олдин қоралаш воситаси бўлиб хизмат қилган бўлади. Жамоат ташкилоти ёки жамоа кафиллигининг характерли хусусияти - айбланувчининг тегишлича бўлмаган хулқ-атвори учун кафилнинг юридик жавобгарлиги мавжуд эмаслигидир. Бироқ бу нарса уни самарасиз қилмайди. Айбланувчи учун жамоанинг ишончи шахсий кафилликдан кўра анча қимматлидир. Жамоага панд бермаслик, унинг ишончини йўқотмаслик хоҳиши айбланувчининг тегишлича хулқ-атворининг жиддий омили бўлиб хизмат қилади.

Гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ЖПКнинг 249-моддасида кўрсатилган бўлиб, дастлабки терговни олиб борувчи шахслар, терговчи, прокурор ва суд томонидан чақирилган айбланувчи, гумон қилинувчининг ҳозир бўлишини таъминлашда айбланувчи, гумон қилинувчи ва бошқа шахс

ёхуд бирлашма томонидан суднинг депозит ҳисоб варағига топшириладиган пул маблағи ёки қимматбаҳо буюмлардан иборатдир. Гаров тариқасида кўчмас мулк ҳам қабул қилиниши мумкин. Прокурор ўз иш юритувидаги ишлар бўйича бу эҳтиёт чорасини қўллаши мумкин. Прокурор гаровни қабул қилиш ҳақида баённома тузади. Баённомада айбланувчига ЖПКнинг 46-моддасида кўрсатилган мажбуриятлари тушунтирилганлиги ва бу мажбуриятларни бузмасликка сўз берганлиги, гаровга қўювчига эса, айбланувчи, судланувчи мажбуриятларини бажармаган тақдирда гаровга қўйилган нарсалардан маҳрум бўлиши маълум қилингани кўрсатилиши лозим. Баённома гаровни қабул қилган прокурор, гаровга қўювчи ва айбланувчи томонидан имзоланади. Гаров суммаси энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан оз бўлиши мумкин эмас ва уни прокурор айбловнинг оғирлигини, айбланувчининг ва гаровга қўювчининг шахсини, гаровга қўювчининг мулкӣ ахволини ва унинг айбланувчи билан билан муносабатларини эътиборга олиб белгилайди. Қонун бўйича гаров чакирув бўйича айбланувчининг ҳозир бўлишига йўналтирилган. Шунинг учун, агар айбланувчи ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилса ёки жиноий ҳаракатни давом эттираверса, прокурор гаровни бекор қилиб, унга нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораларини белгилаши лозим.

**Ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви** эҳтиёт чораси Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 254-моддасида қайд этилган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб берувчи омилкор чора ҳисобланади ва аскарнинг ўз жамоасида қолиш имконини беради. Прокуратуранинг ҳудудий ва транспорт органлари ҳамда милиция органлари ҳарбий хизматчиларга нисбатан эҳтиёт чораларини танлашга ҳақли эмас. Ҳарбий хизматчини ушлагандан сўнг, улар ишни дарҳол суриштирувнинг ҳарбий органи, ҳарбий терговчи ёки ҳарбий прокурорга оширишлари шарт. Ҳарбий прокурорлар ҳарбий хизматчиларга, ўқув йиғинларини ўтишлари пайтида ҳарбий мажбурларга, хизмат

мажбуриятларини бажариш муносабати билан ёки қисм, қўшимча, ҳарбий муассаса жойлашган ерда жиноят содир этган қуролли кучлар ишчи ва хизматчиларига (уларга қўмондонлик қузатуви кўринишидагина эҳтиёт чорасини қўллаб бўлмайди) нисбатан ҳар қандай эҳтиёт чорасини (аскарий жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича қамок, бундан дезертирлик мустасно - фақат қўмондонликнинг розилиги билан) танлашга ҳақлидир. Ҳарбий прокуратура органлари ҳар бир қамокқа олинган фуқаро шахс тўғрисида тегишли ҳудудий прокурорни хабардор қилишини қоидага киритиш керак. Акс ҳолда қамокқа олиш ҳарбий ҳокимият органларининг маҳаллий аҳолига нисбатан зўравонлик ҳаракати сифатида қабул қилиниши мумкин. Фавқулодда ҳолатлар туфайли барча жиноятларни тергов қилиш ҳарбий прокуратурага юкланган жойларда, шунингдек уруш даврида ҳарбий ҳолатда деб эълон қилинган жойларда ҳарбий прокуратура органлари ва суриштирув ҳарбий органлари томонидан умумий тусдаги оғир жиноятларни содир этишда айбланиш чоғида фуқаро шахсларга нисбатан барча эҳтиёт чораларини қўллашга йўл қўйилади.

**Вояга етмаганларни ота-оналари, васийлари, ҳомийлари, болалар муассасасининг маъмуриятига қузатув остига олиши учун топшириш** эҳтиёт чораси вояга етмаган айбланувчиларга нисбатан қўлланилиб, ЖПКнинг 237-моддасида кўрсатилган эҳтиёт чораларидан ташқари махсус эҳтиёт чораси сифатида тайинланиши мумкин (ЖПКнинг 253-моддаси) қўлланилиши мумкин. Моҳиятан айтиб ўтиш мумкинки, икки мустақил эҳтиёт чораси кўзда тутилган: 1) вояга етмаган айбланувчини ота-онаси, васийлари, ҳомийларига қузатув остига олиш учун топшириш ва 2) вояга етмаган айбланувчини болалар муассасасининг маъмуриятига қузатув остига олиш учун топшириш. Уларнинг ҳар иккиси барабар қўлланилмайди. Вояга етмаганларни қузатув остига олиши учун топширишда ота-оналари, васийлари, ҳомийлари ёки болалар муассасаси маъмуриятидан вояга етмаган айбланувчини терговчи, прокурор ҳузурига ва судга ўз вақтида келишини ва

уни муносиб хулқ-атворда бўлишини таъминлаш ҳақида ёзма равишда мажбурият олинади. Вояга етмаган айбланувчилар қамокқа олинганда алоҳида масъулият прокурорнинг зиммасида бўлади. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш вояга етмаган шахсга нисбатан фақат ушбу кодекснинг 236-моддасида назарда тутилган асослар бўлганда ва унга беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тайинланиши мумкин бўлган қасддан жиноят содир этганликда айб эълон қилинган ҳамда айбланувчининг муносиб хулқ-атворда бўлишини бошқа эҳтиёт чоралари таъминлай олмайдиган тақдирдагина қўлланиши мумкин. Прокурор вояга етмаганни қамокқа олиш учун рухсат бераётганида иш материаллари билан шахсан танишиб чиқиши, қамокқа олиш асосларини текшириши, ҳодисанинг фавқулодда содир этилганлигига ишонч ҳосил қилиши ва айбланувчини ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича сўроқ қилиши керак. Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш қўлланилган вояга етмаган шахслар катта ёшдагилардан, шунингдек вояга етмаган маҳкумлардан алоҳида сақланиши лозим. Бу қондан текшириш ҳам прокурор зиммасидаги мажбурият ҳисобланади.

**Эҳтиёт чорасини ўзгартириш ва бекор қилиш.** Эҳтиёт чораси суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан бекор қилиниши мумкин (ЖПКнинг 240-м.1-қ.). Айбланувчи, судланувчи муайян эҳтиёт чораси бўйича берган ўз мажбуриятларини бузган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ва прокурор эҳтиёт чорасини ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин (ЖПКнинг 249-м. 7-қ., 250-м. 2-қ., 252-м. 6-қ., 254-м. 3-қ.). Прокурор эҳтиёт чорасини мустақил равишда ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Эслатиб ўтамиз, инқилобгача бўлган рус қонунчилигига кўра, прокурорнинг эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки енгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги талаби терговчи учун мажбурий ҳисобланарди, айна пайтда унинг эҳтиёт чорасини танлаш ва кучайтириш тўғрисидаги талаби терговчининг қўл-оёғини боғлаб қуймас эди. Югославия қонунчилиги

хам бу масалани тахминан худди шундай ҳал этади (ЖПК 193-моддаси): эҳтиёт чораси масаласи бўйича прокурор билан терговчи ўртасида ихтилофлар пайдо бўлганда масалани веча (суд) ҳал этади. Терговчининг прокурор розилик берган эҳтиёт чорасини ўз хоҳишича бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқи тўғрисидаги масала баҳслидир. Адабиётларда баён этилган нуқтаи назарга мувофиқ унинг ўзи розилик билдирган эҳтиёт чорасини бекор қилиш ва ўзгартиришга прокурорнинг рози бўлиши талаб қилинмайди ёки ушбу чора прокурорнинг кўрсатмаси билан танлангандагина талаб қилинади. Ушбу фикрга қўшилиб бўлмайди. Прокурорнинг розилиги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисидаги терговчининг қарорига юридик куч беради. Бу розиликни фақат прокурор бекор қила олади. Шундай қилинганга қадар эҳтиёт чораси амал қилади. Бунда эҳтиёт чораси прокурорнинг кўрсатмаси ёки терговчининг ташаббусига кўра танлангани ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Прокурор эҳтиёт чорасини қўллаш ёки бекор қилиш тўғрисидаги суд қарорларига нисбатан протест келтириши мумкин. Бироқ суд протестни қондираман, деб эҳтиёт чорасини қўллаши керак эмас. Прокурор ушбу чораларни мустақил тарзда ҳам қўллай олмайди, чунки иш суднинг иш юритувидадир. Ишларни қўшимча терговга қайтариш тўғрисидаги суд ажримларига прокуратуранинг хусусий протестларини кўриб чиқишда иккинчи инстанция суди, протест қондирилгани ёки рад этилганидан қатъий назар, эҳтиёт чорасини аввалгидек қолдирилиши, бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин.

Демак, прокурор гумон қилинган шахсга, айбланувчи ва судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини танлаш, уни ўзгартириш ва бекор қилишда энг асосий вазифаларни ҳал этади.

### **3. Прокурорнинг қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашдаги ваколатлари**

Кўпчилик МДХ давлатларида ҳам қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси суд томонидан қўлланилади. Жумладан, Россия Федерациясида қамокда сақлашнинг қонунийлиги ва асосланганлигини суд томонидан текшириш ҳамда қамокда сақлаш муддатларининг фақат суд томонидан узайтирилиши тўғрисидаги қонун 2002 йил 1 июлидан бошлаб амал қилмоқда. Бу даврдаги суд амалиётининг дастлабки якунлари янги тартиб ўзини тўла оқлаётганидан, «...жамият ва давлатнинг қамокда сақланаётган шахсга катта эътибор қаратаётганлигидан»<sup>16</sup> далолат беради. Латвия, Литва, Эстония, Молдова давлатларида қамок тарзидаги эҳтиёт чораси фақат суд томонидан қўлланмоқда, Украина, Беларус, Қозоғистон, Озарбайжон, Арманистон, Грузия давлатларида эса прокурорнинг бу тўғридаги қарори устидан судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби белгиланган. Кўплаб мамлакатларда тергов ишлари устидан суд назорати дастлабки тергов принципларидан бири ҳисобланади. АҚШда процессуал-мажбурлов чоралари шахснинг конституциявий ҳуқуқларини сезиларли чеклаганлиги туфайли одатда суднинг рухсати билан қўлланади. Буюк Британияда эҳтиёт чораси сифатида шахс қамокқа олингач, асрлардан буён амалдаги habeas corpus act қоидаларига биноан у дарҳол судья ҳузурига келтирилади. Германияда қамокқа олиш айблов камераси, Италияда тергов камерасидаги дастлабки тергов бўйича судья томонидан амалга оширилади. Францияда эса процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколати судлар қошидаги махсус тергов палатасига берилган. Яна шуни таъкидлаш жоизки, бир қанча давлатларда қамокқа олиш ва унинг муддатини узайтириш билан бирга бошқа турдаги тергов ҳаракатлари ўтказиш учун ҳам суддан рухсат олиниши

---

<sup>16</sup> Колоколов Н.А. Решение вопроса о мере пресечения: социально-криминологический и юридико-технический аспекты. // Уголовный процесс. -2008. -№8. -Б. 42.

талаб этилади. Бундай тергов ҳаракатларига ушлаб туриш, тинтув, олиб кўйиш, мол-мулкни хатлаш, лавозимдан четлаштириш, телефон сўзлашувларини эшитиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Яқин даврлар ичида бизнинг қонунчиликда ҳам шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ бўлган мазкур чораларни суднинг рухсати асосида қўллаш тартибига босқичма-босқич ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Мажбурлов характеридаги эҳтиёт чораларини имкон борича тежамкорлик билан, айниқса уларнинг жиддийларини фақат суднинг қарори асосида ёхуд суд назорати остида қўлланиши одил судлов ва ҳуқуқий ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Шунинг ҳам эътиборга олиш жоизки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ваколатининг судларга ўтказилиши билан экстрадиция қилишга оид ЖПК нормаларини қўллашдаги жиддий муаммоларга барҳам берилди. Европа экстрадиция қилиш тўғрисида Конвенцияси, Ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида МДХ давлатларининг бошлиқлари 1993 йилда имзолаган ва 2002 йилда янги тахрирда тасдиқланган Минск Конвенцияси жиноят содир этишда айбланаётган шахсни бир давлатдан бошқа давлат ихтиёрига бериш учун унга нисбатан қамоқ чораси қўлланишини тақозо қилади. Ўзбекистон миллий қонунчилигида бундай шахсларни экстрадиция этиш тўғрисида барча муҳим масалалар ҳал қилинган. Лекин шахсни бошқа давлатлардан Ўзбекистонга экстрадиция қилиш учун унга нисбатан қамоқ тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган бўлиши шарт. Илгариги процессуал тартибга биноан қамоққа олиш тўғрисида прокурорнинг қарорини ажнабий давлатларда халқаро ҳуқуқда тан олинган ҳужжат сифатида қабул қилинмай ва бу ҳақда фақат суднинг қарори бўлишини талаб этилар эди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг янги тартиби мазкур зиддиятларга барҳам берди. Суднинг конституциявий ҳуқуқларни чеклаш билан боғлиқ бўлган бир қатор тергов ҳаракатларига рухсат бериш, гумон қилинувчи, айбланувчини қамоққа олиш ва унинг муддатларини узайтиришга санкция беришини одил судловга

зид деб ҳисобловчилар ҳам учраб туради. Бу фикрларни қатъиян рад этган ҳолда айтмоқчимизки, суднинг қамоққа олиш ва унинг муддатини узайтиришга санкция бериши одил судловни амалга оширишнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Ҳайлаймизки, мазкур жараёнга янада судлов характери берилмоғи лозим, токи томонлар қамоққа олиш тўғрисидаги келтирилган далилларни текшириш ва баҳолашда янада кенгроқ имкониятларга эга бўлсинлар.<sup>17</sup>

Бундан ташқари, М.Ҳ.Рустамбоев таъкидлаганларидек, «...суд томонидан жиноят процессининг илк даврларида тергов томонидан йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни аниқлашга, прокурорларнинг ўз назорат функцияларига янада жиддий эътибор қаратишларига қўшимча имконият яратилди».<sup>18</sup>

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг тўрт босқичга ажратиш мумкин. *1-босқич. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш юзасидан илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқариш.* Бу босқичда прокурор ёки прокурорнинг розилиги билан терговчи жиноят иши бўйича ЖПК 236, 242-243-моддаларида назарда тутилган ҳолатлар аниқланганда, гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаришга ҳақли. Суриштирув жараёнида гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар борлиги аниқланса, суриштирувчи ЖПКнинг 342-моддасига мувофиқ, суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан, ишни дарҳол терговчига ўтказди. Кўплаб мамлакатларда терговчи қамоққа олиш тўғрисидаги илтимоснома билан тўғридан тўғри судга мурожаат қилади. Ғ.Абдумажидов таъкидлаганларидек, «...айрим мамлакатларда терговчининг

<sup>17</sup> Шунга ўхшаш фикрни россиялик олим И.Л.Петрухин ҳам билдирган. Судебная власть. /Под ред. И.Л.Петрухина. –М.: ООО «ТК Велби», 2003. –Б.172.

<sup>18</sup> Рустамбаев М.Х. Установление судебного контроля за досудебным производством. // Некоторые вопросы применения заключения под стражу: международные стандарты и зарубежный опыт. Сборник материалов научно-практической конференции. –Т.: ТГЮИ, 2007. –Б.12.

илтимосномасига прокурор розилигини олиш мажбурий ҳисобланмайди, бу эса, назаримизда, терговчининг мустақиллиги ва ўз илтимосномаси учун суд олдида жавобгарлигини оширади».<sup>19</sup> Қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома кўзғатиш тўғрисидаги қарорда, шахс гумон қилинаётган ёки айбланаётган жиноят, унинг тавсифи, гумон қилинувчи, айбланувчини қамокқа олиш заруратини тасдиқловчи асослар, шунингдек шахсга нисбатан бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмаслиги ҳақидаги хулосалар баён этилиши лозим.<sup>20</sup> Қарорга илтимосномани асослантирувчи зарур материаллар (жумладан, жиноят иши кўзғатиш, жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорлар, ЖПК 221 ва 225-моддалари асосида тузилган ушлаб туриш баённомаси, гумон қилинувчи, айбланувчининг шахсига оид маълумотларга доир ҳужжатлар, ҳимоячининг ордери ёхуд ҳимоячидан воз кечиш ҳақидаги баённома ва бошқа ҳужжатларнинг нусхалари) илова қилинади. Зарурат бўлганда, судга мазкур ҳужжатларнинг асли тақдим қилиниши мумкин. Илтимоснома ва материаллар судга ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин тақдим қилинади. Қонунда белгиланган ушлаб туриш ёки қамокда сақлаб туриш муддати ўтгандан сўнг судга тақдим этилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамокда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома суд томонидан кўриб чиқилмайди. Бундай ҳолларда, ушлаб турилган ёки қамокда сақланаётган шахсни озод қилиш масаласи ЖПК 234-моддаси ва 240-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ ҳал этилади. Шу билан бирга, бундай илтимоснома судга қонунда белгиланган муддат ўтгандан сўнг, бироқ ушлаб туриш ёки қамокда сақлаб туриш муддати ўтгунга қадар тақдим қилинган тақдирда, суд томонидан уни

<sup>19</sup> Абдумажидов Г. Судебный порядок заключения под стражу: законодательство, проблемы и решения. // Перспективы и развитие адвокатуры Узбекистана и зарубежных стран. Материалы научно-практической конференции. 31 октября -1 ноября 2007 г. –Москва, Самарканд: 2008. –.87.

<sup>20</sup> Скибинский А.В. Избрание меры пресечения в виде заключения под стражу. // Уголовный процесс. - 2008. -№1. –Б.17.

кўриб чиқиш учун қабул қилиш рад этилишига йўл қўйилмайди. Қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахсга нисбатан эса суд хусусий ажрим чиқаради.

*2-босқич. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани судда кўриб чиқиш.* Юқорида тилга олинган илтимоснома қонунга кўра, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласини ҳал этиши лозим бўлган судья тортишув процесси қоидаларига риоя этади.<sup>21</sup> Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома материал келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат ичида, лекин ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган ушлаб туриш муддати охиридан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ушлаб туриш тарикасидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилмаган айбланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги илтимоснома ҳам ўн икки соат ичида кўриб чиқилиши лозим. Фикримизча, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жиноят процессининг энг дастлабки даврига тааллуқли бўлганлиги боис, жиноят иши материаллари унча кўп бўлмайди ва улар билан танишиб чиқиш учун ўн икки соат жуда кўплик қилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома прокурор, гумон қилинувчи ёки айбланувчи, химоячи (агар у ишда қатнашаётган бўлса) иштирокида кўриб чиқилади. Гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қонуний вакили ва терговчининг бу жараёнда иштирок этиш ҳуқуқи қонунда белгилаб қўйилган. Бу билан эса, А.Шарафутдинов таъкидлаганларидек, «... қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш масаласида судга тақдим этилган далилларни томонларнинг тортишуви принципи

---

<sup>21</sup> Колоколов Н.А. Избрание меры пресечения в виде заключения под стражу: участники процесса и алгоритм судебного действия. // Уголовный процесс. -2008. -№9. -Б.27.

асосида текшириб, қонуний қарор қабул қилишга замин яратилди».<sup>22</sup> Илтимоснома қўзғатишга ташаббускор бўлган терговчининг суд муҳокамасидаги иштироки мажбурий эканлигини ёқлаётган муаллифлар фикрига ҳам қўшилиш мумкин, чунки прокурорнинг фикри терговчининг фикридан тубдан фарқ қилиши мумкин.<sup>23</sup> ЖПК 20, 51-моддаларида назарда тутилган ҳолларда суд мажлисида таржимон ва ҳимоячининг иштироки таъминланиши шарт. Илтимосномани кўришда бошқа шахсларнинг иштирок этишига йўл қўйилмайди. Фикримизча, зарур ҳолларда жабрланувчини ҳам қамоққа олиш тўғрисидаги масалани судда ҳал этишга таклиф этилиши лозим. Бу борада Б.Саломовнинг қуйидаги фикрларини маъқуллаймиз: «Масалан, шахс номусга тегиш жиноятини (ЎзР ЖК 118-моддасининг учинчи қисми «а» банди) содир қилганликда айбланиб, қамоққа олиш масаласини суд мажлисида муҳокама қилиш чоғида ... жабрланувчининг ташқи қиёфаси катта ёшда эканлигидан далолат бериши ва унинг 18 ёшга тўлмаганидан мутлақо беҳабар эканлиги, ўзининг ва жабрланувчининг дастлабки кўрсатувлари тергов органи ходимларининг тазйиқи остида ёзиб берилганлиги, ҳозир судда бераётган кўрсатувлари ҳақиқат эканлиги тўғрисида баёнот берди. Табиийки, бундай вазиятда жабрланувчининг қиёфасини кўриш, жисмоний ривожига эътибор қаратиш ва айбланувчининг баёноти бўйича ҳолатларни текшириш учун уни суд мажлисида эшитиш зарурияти пайдо бўлади».<sup>24</sup> Суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриш жойи, санаси ва вақтини белгилайди ҳамда бу ҳақда илтимоснома киритган прокурорни хабардор қилади. Прокурор ёки унинг топшириғига кўра терговчи суд мажлиси иштирокчиларининг, шу жумладан гумон қилинувчи ёки айбланувчининг судга келишларини таъминлайди. Суд

<sup>22</sup> Шарафутдинов А. Тақомилнинг янги босқичи.// Ҳуқуқ ва бурч. -2008. -№1. –Б.19.

<sup>23</sup> Курочкина Л. Новая редакция УПК РФ о сроках предварительного расследования и содержания обвиняемых под стражей. // Уголовное право. -2008. -№2. –Б.107.

<sup>24</sup> Саломов Б.С. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг суд томонидан қўлланишида адвокатнинг иштироки. –Т.: Фан, 2008. –Б.17.

мажлисининг жойи, санаси ва вақти ҳақида лозим даражада хабардор қилинган шахсларнинг (айбланувчи ва таржимон бундан мустасно), суд мажлисига келмаганлиги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани кўриш учун монелик қилмайди. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани айбланувчининг иштирокисиз кўришга, фақат унга нисбатан қидирув эълон қилинган ҳолдагина йўл қўйилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги масала суднинг биносида, ёпиқ суд мажлисида ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан алоҳида кўрилиб, мажлис судья томонидан қандай илтимоснома кўриб чиқилишини эълон қилишдан бошланади. Илтимосномани кўриб чиқиш прокурор маърузаси билан бошланиб, у қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш заруратини асослаб беради. Сўнгра гумон қилинувчи ёки айбланувчи, унинг ҳимоячиси, конуний вакили, шунингдек терговчи (агар у мажлисда ҳозир бўлса) эшитилади, тақдим этилган материаллар текширилади. Сўнгра судья ажрим чиқариш учун алоҳида хонага киради. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда (қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда ҳам) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2007 йил 14 ноябрдаги «Судга қадар иш юритиш босқичида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида»ги №16-сонли қарорига асосан ЖПК 426-моддасида назарда тутилган қоидаларга риоя қилиб, суд мажлиси баённомаси юритилади ва у ажрим чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай имзоланади. Тарафлар суд мажлиси баённомаси билан у имзоланган пайтдан бошлаб танишишлари мумкин. Ишни мазмунан кўришдан фарқли ўлароқ, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўришда суд тергови ўтказилмайди, процесс иштирокчилари

эшитилади, лекин сўроқ қилинмайди. Илтимосномани асослаб бериш мажбурияти қонун бўйича фақат, прокурорга юклатилган ва у процесснинг исталган босқичида, суд алоҳида хонага киргунига қадар илтимосномани чақириб олишга ҳақли.

*3-босқич. Суд томонидан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан қарор ёки ажрим қабул қилиш.* Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги прокурорнинг илтимосномаси қаноатлантирилганда, ажримнинг қарор қисмида мазкур эҳтиёт чорасининг амал қилиш муддати кўрсатилмайди. Айти пайтда, қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома қаноатлантирилганда, суд ушбу эҳтиёт чораси қайси санагача амал қилишини ажримда кўрсатиши шарт.

Судья томонидан чиқарилган ажримлар қуйидаги мазмунда бўлиши мумкин: 1) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш; 2) қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад этиш; 3) тарафлар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг асосланган ёки асосланмаганлигига доир қўшимча далилларни тақдим этишлари учун ушлаб туриш муддатини қирқ саккиз соатдан кўп бўлмаган муддатга узайтириш.<sup>25</sup> Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи тақдим қилинган илтимоснома бўйича қарор қабул қилиш имконияти бўлмаганлиги ва қўшимча далиллар тақдим қилиниши зарурлиги сабабли бошқа вақтга қолдирилганда, суднинг ажримида илтимосномани қайта кўриб чиқиш жойи, вақти ва санаси кўрсатилиши шарт. Судьянинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қўллашни рад этиш ҳақидаги ажрими у эълон қилинган пайтдан кучга киради ва дарҳол ижро этилиши шарт. Агар қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаб туриш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш жараёнида қонун бузилганлиги,

---

<sup>25</sup> Тухташева У.А. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси: тушунчаси ва қўллаш тартиби. –Т.: ТДЮИ, 2007. –Б.40.

жумладан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала қўлланилганлиги ҳақида мурожаат қилинган тақдирда, бу ҳақда суд мажлиси баённомасида қайд этилади ва дастлабки тергов давомида назоратни амалга оширувчи прокурор томонидан текширилиб, натижаси ҳақида судга хабар қилинади. Илтимоснома қаноатлантирилмай, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилинганда, гумон қилинувчи, айбланувчи (ушлаб туриш охириги муддати тугаган ёки тугамаганлигидан қатъи назар) суд залида қамоқдан озод қилинади. Бундай ҳолда бошқа турдаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи дастлабки тергов органи томонидан умумий асосларда ҳал этилади. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилиниши, эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши, айнан ўша шахсга нисбатан бундай эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома билан судга тақдоран мурожаат қилишга, башарти ишни тергов қилиш жараёнида уни қамоққа олиш заруратини тақозо этувчи янги ҳолатлар юзага келган бўлса, тўсқинлик қилмайди. Шу билан бирга, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг бугунги кун амалиётида учраётган айрим муаммоларга тўхталиб ўтиш лозим.

ЖПКнинг 240-моддасининг иккинчи қисмида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар бўлмаганда прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги таъкидланган. ЎзССРнинг 1959 йилдаги ЖПКнинг 82-моддасининг учинчи қисми ҳам худди шундай мазмунда бўлиб, суд томонидан қўлланган эҳтиёт чорасини суриштирувчи, терговчи ўзгартириш, бекор қилиши мумкин эди, яъни янги қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг эски тартиби деярли ўзгаришсиз қолдирилган. Қонундаги мазкур ҳолат тўғрисида Ғ. Абдумажидов томонидан билдирилган куйидаги фикрларни тўла

қувватлаймиз: «Бу ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасидаги суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатларнинг терговчи ва прокурор учун мажбурий эмаслиги тўғрисида фикр туғилади. Шу жиҳатдан бир қатор давлатлардаги қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини суд томонидан ўзгартирилиши, шунингдек гаров эвазига озод қилиш ва уй қамоғи чораларининг фақат суд томонидан қўлланиши тартиби ўзини оқлайди.»<sup>26</sup> Шу билан бирга, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг бугунги кун амалиётида учраётган айрим муаммоларга тўхталиб ўтиш лозим. ЖПКнинг 240-моддасининг иккинчи қисмида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсни бундан кейин қамоқда сақлаш учун асослар бўлмаганда прокурор, шунингдек прокурорнинг розилиги билан терговчи томонидан эҳтиёт чоралари тўғрисида қарор чиқарган судни албатта хабардор қилган ҳолда бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкинлиги таъкидланган. ЎЗССРнинг 1959 йилдаги ЖПКнинг 82-моддасининг учинчи қисми ҳам худди шундай мазмунда бўлиб, суд томонидан қўлланган эҳтиёт чорасини суриштирувчи, терговчи ўзгартириш, бекор қилиши мумкин эди, яъни янги қонунда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг эски тартиби деярли ўзгаришсиз қолдирилган. Тадқиқотни яратиш давомида кўплаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, судьялар билан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг янги тартиби тўғрисида мулоқотлар ўтказилиб, уларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини фақат уни қўллаган суд томонидан бекор қилиш қондаси ЖПКнинг 240-моддасида ўз аксини топиши лозимлиги юзасидан кўплаб фикрлар билдирилди. Фикримизча, суд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш устидан эмас, балки уни бекор қилиниши устидан ҳам назорат олиб бориши лозим. Амалдаги қоида эса суд назоратининг аҳамиятини пасайтиради. РФ ЖПКнинг 110-моддаси 4-қисми, Украина Республикаси

<sup>26</sup> Абдумажидов Г. Судебный порядок заключения под стражу: законодательство, проблемы и решения.// Перспективы и развитие адвокатуры Узбекистана и зарубежных стран. Материалы научно-практической конференции. 31 октября -1 ноября 2007 г. –Москва, Самарканд: 2008. –Б.87.

ЖПКнинг 165-моддаси бешинчи қисмида суд томонидан қўлланган эҳтиёт чораси фақат суд томонидан бекор қилиниши қайд этилган. Шу жиҳатдан, ЖПКнинг 240-моддасида ушбу қоида акс этиши лозимлигини таъкидлаган олимларимиз фикрини маъқуллаймиз.<sup>27</sup>

Хулоса қилиб айтганда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига санкция бериш ваколатининг прокуратура органларидан судларга ўтказилиши жиноят процесси олдида турган вазифаларни муваффақиятли адо этиш, терговнинг қонуний ўтказилишини таъминлаш, дастлабки терговда тортишувни такомиллаштириш, процесс иштирокчиларига (энг аввало – химоя томонига) ўз манфаатларини химоя қилиш учун реал имкониятлар яратиш ва, энг асосийси, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўшимча кафолатлаш мақсадларига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари судларга «...қарор қабул қилишда тўла эркинлик берилиши, суд қарорларининг ҳаққонийлигига ишонч билан қаралиши ва уни ҳурмат қилиниши»<sup>28</sup> мақсадга мувофиқдир.

#### **4. Шахсни тиббий муассасага жойлаштиришдаги прокурор ваколатлари**

Ҳар бир жиноят содир қилган ақли расо шахс ўз қилмишининг оқибатини тушунган ҳолда қасддан ҳаракат қилади ёки эҳтиётсизлик натижасида жиноят содир этади ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу масалага жиноят ҳуқуқи фанида жиддий аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 18-моддасида жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади. Ижтимоий хавфли қилмишни

<sup>27</sup>Тулаганова Г.З. Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари. –Т.: ТДЮИ, 2010. –Б.154.

<sup>28</sup> Савченко А.Н. Заключение под стражу обвиняемого после направления дела в суд. // Уголовный процесс. -2008. -№4. –Б.35.

содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларини аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди (ЖК 18-моддасининг иккинчи қисми).

Демак, жиноят процессида жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг ақли расолиги ёки норасолиги масаласи ҳал этилиши муҳим, чунки у ақли норасо деб топилса, жиноят иши алоҳида тоифага ажратилади ва ЖПКнинг 61-бобида кўрсатилган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юритиш тартибида олиб борилади. ЖПКнинг 265-моддасига биноан, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган жиноятни содир этишда айбланаётган ёки судланаётган шахслар, руҳий ҳолати айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш ва айблов эълон қилиш имкониятини истисно қиладиган шахсларнинг руҳий ҳолатини стационар кузатув йўли билан аниқлаш учун суд-тиббиёт ёки суд-психиатрия экспертизасини ўтказиш учун суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори ёхуд суд ажрими билан тиббий муассасага жойлаштирилиши мумкин. «Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш жиноят судлов ишларидаги суд экспертизаси институти таркибига органик тарзда кириб боради»,<sup>29</sup> деган фикрларга қўшиламыз.

ЖПКнинг 265-269, 569-моддаларида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш асослари, тартиби, муддатлари, бундай қарор ва ажримлар устидан шикоят қилиш ҳамда бу тоифадаги ишларни тўхтатиб туриш масалалари баён этилган. Бизнингча, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган кенг маънодаги жиноят-процессуал мажбурлов ҳисобланади, яъни бу чоралар Ўзбекистон Республикаси

---

<sup>29</sup>Кудрявцева А.В. Институт судебной экспертизы в уголовном процессе: Дисс. ...д-ра юрид. наук. –СПб.: 2001. –Б.28.

Конституциясининг 25-моддасидаги шахсининг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ. Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ушлаб туриш, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси каби жиддий процессуал ҳаракатлардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда шахсни тиббий муассасага жойлаштириш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита чеклайдиган чора бўлганлиги учун қонунчиликда процессуал мажбурлов чоралари қаторидан ўрин олганлигини фақат олқишлаш мумкин. Чунки кўплаб МДХ давлатлари қонунчилигида шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳануз тергов ҳаракати ҳисобланади. Масалан, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш РФ ЖПКнинг 203-моддасида кўрсатилган бўлиб, у «Суд экспертизасини ўтказиш» баён этилган 27-бобдан жой олган ва бу ҳолат замонавий тадқиқотчиларнинг ўткир танқидларига сабаб бўлмоқда.<sup>30</sup> З.Д.Еникеев умумий тарзда шахсни тиббий муассасага жойлаштиришнинг процессуал мажбурлов чораси эканлигини эътироф этиб, қуйидаги мунозарали фикрни билдирган: «Ушбу процессуал ҳаракатни ижро этиш моҳиятан айбланувчини жамиятдан ажратиш ва уни озодликдан маҳрум қилишни англатади. Айбланувчини руҳий даволаш муассасасига жойлаштириш шахсининг ҳуқуқ ва манфаатларини шу қадар жиддий чеклайдики, қонунчилик бу чорани қамоқда сақлаш муддатларига тенглаштиради... Бироқ бу ҳуқуқий кўрсатма унинг эҳтиёт чоралари турларидан бири эканлигини билдирмайди. Уларни тенглаштириш мумкин эмас, чунки улар турли процессуал мақсадларни кўзловчи ва турли асосларга кўра амалга оширилувчи турли ҳуқуқий ҳодисалардир.»<sup>31</sup> Бу фикрларга тўлиқ қўшила олмаймиз. ЖПКнинг 265-моддасига биноан, айбланувчи ва судланувчининг руҳий ҳолати устидан стационар кузатув зарурати бўлганда, улар тегишли тиббий муассасага жойлаштирилади ва бу ҳолатда ЖПКнинг

<sup>30</sup>Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Комментарий к УПК РФ. –СПб.: 2003. –Б. 312.; Булатов Б.Б., Николюк В.В. Меры уголовно-процессуального принуждения (по главе 14 УПК России) -М.: 2003. –Б. 35.

<sup>31</sup> Еникеев З.Д. Принципы применения мер пресечения по уголовным делам. –Уфа: БашГУ, 1997. –Б.92.

236-моддасида эҳтиёт чораларининг мақсадларидан бирортаси ҳам кўзда тутилмайди. Бироқ шахсга нисбатан эҳтиёт чораси қўлланилмаган бўлса, уни тиббий муассасага жойлаштирилиши бир вақтнинг ўзида эҳтиёт чоралари кўзлайдиган мақсадларга эришиш учун хизмат қилиши мумкин. ЖПК 265-моддасининг тўртинчи қисмида жабрланувчи ва гувоҳларни экспертиза ўтказиш учун тиббий муассасага мажбурий тарзда жойлаштириш мумкин эмаслиги таъкидланган. Бу тўғрида З.Д.Еникеев шундай фикр билдирган: «Бундай оғир процессуал мажбурлов чорасининг жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан қўлланиши ҳеч қандай сабаблар билан оқлаш мумкин эмас. Назаримизда, жиноят судлов соҳасида озодликдан маҳрум қилишга қийинлашадиган ва бир неча ўн кун муддатлар билан ўлчанадиган бу чора қатъий равишда ижтимоий хавфли қилмиш содир этганлиги ҳақида етарли асослар бўлган ва шунинг учун қонуний тартибда жиноий таъқиб остига олинган шахсларга, яъни айбланувчи ва гумон қилинувчи тариқасида ишга жалб этилганларга нисбатан мажбурий тарзда қўлланилиши мумкин».

Шубҳасиз, жабрланувчи ва гувоҳлар мажбурий тарзда тиббий ва руҳий стационарларга жойлаштирилмасликлари лозим. Лекин улар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ЖКнинг 15-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбли эканлигини очиб бераётган ва кўрсатувларнинг ишончлилигини текширишнинг бошқа имконияти бўлмаган ҳолларда тиббий муассасага жойлаштирилишлари мумкинлиги ҳақидаги қоидага эътироз билдириш мушкул. Назаримизда, ЖПКнинг 173-моддаси 5-бандидаги жабрланувчи, гувоҳнинг руҳий ва жисмоний ҳолатини ҳамда улар иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни идрок қилиш, эсда сақлаш ва сўроқ қилганда ифодалаб бериш лаёқатига эга эканликларини, шунингдек жабрланувчининг жиноят процесси чоғида ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олиш лаёқатини аниқлашда экспертиза ўтказишнинг шарт эканлиги ҳам

фақат жиноят ишини муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашади.<sup>32</sup> Юридик адабиётларда, «... жабрланувчи ва гувоҳ экспертиза ўтказилиши шарт бўлган ҳолларда текширилиш мажбуриятига эга, агар у бош тортса, мажбур этилади. Бундай мажбурлов зўрлаш ва инсоннинг қадр-қимматини камситувчи, унинг ҳаёти ва соғлигига хавф солувчи бошқа характерга эга бўлмаслиги лозим»,<sup>33</sup> деган фикрлар билдирилган. Бироқ, ЖПКнинг 173-моддаси 5-бандида кўрсатилган ҳолатларда экспертизани тайинлаш ва ўтказиш жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг мажбуриятига киради. ЖПКнинг 55-моддасида жабрланувчининг суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг чақирувига биноан ҳозир бўлиш, ҳаққоний кўрсатувлар бериш, ҳақиқатни аниқлашга, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уриниш ва қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар билан тўсқинлик қилмаслик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг талаби бўйича далиллар тақдим қилиш ва ишнинг тергови ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиш каби мажбуриятлари белгиланган. Гувоҳнинг ҳуқуқий мақомига ҳам шунга ўхшаш мажбурият ва жавобгарлик чоралари ҳосдир (ЖПКнинг 66-моддаси). Қонунда жабрланувчи ёки гувоҳнинг экспертиза текшируви ёхуд гувоҳлантириш ўтказишдан бош тортганлиги учун жиноят-процессуал жавобгарлик чораларини белгилаш мумкин, лекин бу чоралар ушбу субъектларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаслиги аниқ. Бир вақтнинг ўзида худди шундай зарурат туғилганида гумон қилинувчи ва айбланувчи жамиятдан ажратилади. Демак, уларни тиббий ёки руҳий стационарга жойлаштиришда эҳтиёт чораларини қўллашга хос бўлган мақсадлар кўзланади. Бизнингча, ушбу факт орқали томонларнинг тенглиги принципи бузилади. Шундай жиддий мажбурлов чорасини қўллашни гумон қилинувчи ва айбланувчининг процессуал мақоми орқали асослаш уларнинг

<sup>32</sup> Абзалов А. Ожиз аҳволдаги жабрланувчи: унга суд экспертизаси тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ҳаёт ва қонун. -2003. -№4. –Б.20.

<sup>33</sup> Серебрякова С.П. Следственные действия // Уголовный процесс России / Науч. ред. В.Т. Томин. –М.: 2003. –Б. 393.; Кальницкий В.В. Следственные действия. –Омск: 2003. –Б. 59.

жиноят содир этишда айбдор деб топилмаганлигини эътиборга олганда ишончсиз кўринади. Албатта, гумон қилинувчи ва айбланувчи, шунингдек жабрланувчи ва гувоҳ стационар эксперт текширувларига ихтиёрий тарзда розилик берган ҳолатлар бундан мустасно.<sup>34</sup> Ушбу ҳолатда тиббий ёки руҳий стационарга жойлаштириш ўзининг мажбурлов характерини йўқотади.<sup>35</sup> Агар гап гумон қилинувчи ва айбланувчи тўғрисида бораётган бўлса, жумладан, гумон қилинувчи ва айбланувчининг бу ҳаракатга ихтиёрий тарзда хошиш билдирганлигига судья ишонч ҳосил қилиши учун уларни тиббий ёки руҳий стационарга жойлаштириш учун суднинг қарори бўлиши зарур. Фикримизча, шахснинг розилигисиз тиббий ёки руҳий стационарга мажбурий жойлаштириш фақат ҳибсда сақланаётган шахсларга нисбатан қўлланилиши лозим. Ҳибсда сақланмаётган гумон қилинувчи ёки айбланувчини тиббий ёки руҳий стационарга мажбурий жойлаштириш зарурати туғилган ҳолларда эса ЖПКнинг 243-моддасида назарда тутилган тартибда судга мурожаат қилиниши мақсадга мувофиқдир. Гумон қилинувчи ва айбланувчини тиббий ёки руҳий стационарга мажбурий жойлаштириш амалдаги ЖПКнинг 265-269-моддаларида кўзда тутилган тартибда амалга оширилиши мумкин. ЖПКнинг 268-моддасига кўра, айбланувчи, судланувчи ёки ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш юзасидан иш юритилаётган шахс тиббий муассасага бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга жойлаштирилади. Алоҳида ҳолларда шифокорларнинг стационар экспертиза ўтказиш жараёнида олинган хулосасига асосан бу муддат иш юритувида бўлган прокурорнинг қарори ёхуд суднинг ажрими билан бир ойга узайтирилиши мумкин ва муддатни янада узайтиришга йўл қўйилмайди. Амалиётда стационарда сақлаш муддатларини асоссиз узайтириш ҳоллари ҳам учраб туради, масалан дастлабки тергов муддатини сунъий тарзда узайтириш учун терговчи томонидан экспертиза тадқиқотига

<sup>34</sup> Абзалов А. Экспертиза тайинлаш шарт. // Қонун ҳимоясида. -2003. -№4. -Б.31.

<sup>35</sup> Петрухин И.Л. Свобода личности и уголовно-процессуальное принуждение. -М.: 1985. -Б. 102.

турли материаллар тақдим этилиши мумкин.<sup>36</sup> Шунинг учун стационарда бўлиш муддатларини узайтиришга ваколатли судья текширилаётган шахсни стационарда қолдириш зарурати ҳақиқатдан ҳам иш ҳолатларини аниқлашга кўмак бериши тўғрисидаги маълумотларни ёки бунга бошқа сабаблар асос қилиб олинмаганлигини синчиклаб текшириши лозим бўлади. Экспертиза ўтказишни тайинлаган шахс ёки экспертлар томонидан жиддий қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланган ҳолларда судья ўзининг хусусий ажрими орқали процессуал таъсир чораларини кўради.

Демак, шахснинг тиббий ёки руҳий стационарда бўлиш муддатини узайтириш ҳам муҳим процессуал масалалардан бири ҳисобланади, шунинг учун бу муддатни узайтириш тартиби ЖПКнинг 268-моддасида тўла ўз аксини топиши мақсадга мувофиқдир.

## **5. Айбланувчи, судланувчини лавозимдан четлаштиришда прокурор ваколатлари**

ЖПКнинг 255-моддасида кўзда тутилган лавозимдан четлаштириш жинойт-процессуал мажбурлов чоралари орасида алоҳида ўрин тутади. У айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланилади ва шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш каби конституциявий ҳуқуқларини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси биринчи қисми), яъни шахс ва фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бевосита чеклайди. МДХ Парламентлараро Ассамблеяси 1996 йил 17 февралда тасдиқлаган ЖПК Моделлида<sup>37</sup> вақтинча лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чоралари қаторига киритилган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасидан ташқари Россия Федерацияси, Беларус, Украина, Қозоғистон ва Қирғизистон

<sup>36</sup>Комментарий к ФЗ «О государственной судебно-экспертной деятельности» /Под ред. Ю.Г. Корухова, Ю.К. Орлова, В.Ф. Орловой. –М.: 2002. –Б. 54.

<sup>37</sup> Модельный Уголовно–процессуальный кодекс для Государств – Участников СНГ // Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи СНГ. –1996. –№10. Приложение.

ЖПКларида у процессуал мажбурлов чоралари рўйхатидан жой олган. Лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чоралари тизимига тааллуқли бўлмаса ҳам, у асосан эҳтиёт чораларини қўллашда эътиборга олинадиган мақсадларда қўлланилади.

Мустақил Республикамизнинг 1994 йилда қабул қилинган ЖПКда лавозимдан четлаштириш чорасини қўллаш тартибига сезиларли ўзгаришлар киритилди. Янги қонунчиликда лавозимдан четлаштириш асослари, қўллаш ва унинг устидан шикоят қилиш тартиби, амал қилиш муддати, қонунга хилоф равишда лавозимдан четлаштириш оқибатида етказилган зиённи қоплаш қоидалари бир неча моддаларда баён этилган (ЖПКнинг 255-260-моддалари). Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Етказилган маънавий зиённи қоплаш тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига кўра фуқарога етказилган зиён суриштирув, дастлабки тергов органлари, прокурор ва суд, мансабдор шахснинг айби бўлган-бўлмаганлигидан қатъи назар, қопланиши зарур.<sup>38</sup> Амалдаги қонунчилигимизга асосан бу чора фақат мансабдор шахсларга эмас, балки ҳар қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин. Илгари лавозимдан четлаштириш шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш тўғрисидаги бобларга киритилган бўлса, эндиликда унга процессуал мажбурлов чоралари қаторидан алоҳида 29-боб ажратилган. Бундан ташқари, айрим тоифадаги мансабдор шахсларни лавозимидан четлаштириш тартиби (ЖПКнинг 259-моддаси) ҳамда шахснинг лавозимидан қонунга хилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, башарти кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ЖПКнинг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра тугатилган бўлса, тўла ҳажмда қопланиши (ЖПКнинг 260-моддаси) қайд этилган. Бу эса «...инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан

---

<sup>38</sup> Эргашев Х., Накипов К. Дастлабки тергов жараёнида шахсни маънавий реабилитация қилишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти. // Қалқон. -2005. -№1. –Б.12-13.

кафолатланиши десак, хато бўлмайди».<sup>39</sup>

Лавозимдан четлаштириш чораси айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради, деб ҳисоблашга етарли асослар бўлганда шахсга нисбатан қўлланилади. Демак, лавозимдан четлаштириш чораси ўз мақсадлари бўйича эҳтиёт чораларига ўхшайди ва у фақат айбланувчи, судланувчининг суриштирув, дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашининг олдини олиш мақсадини кўзламайди.<sup>40</sup> Мазкур процессуал мажбурлов чорасининг эҳтиёт чораларига яқин туриши тўғрисида бундан бир неча йиллар муқаддам Р.Х.Якупов шундай фикр билдирган эди: «Айбланувчини лавозимдан четлаштириш эҳтиёт чораларига жуда яқинлашади, лекин у процессуал мажбурлов чораларининг мустақил тури ҳисобланади. Чунки у эҳтиёт чораларига мансуб бўлган эркинлик ва шахсий дахлсизликни эмас, балки фаолият тури ва касб танлаш каби конституциявий ҳуқуқни чеклайди»<sup>41</sup>. Биз лавозимдан четлаштиришнинг эҳтиёт чораларига яқин туриши тўғрисидаги фикрларни маъқуллаймиз. Бироқ айбланувчининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашнинг турли характерда эканлиги тўғрисидаги фикрларга эътирозимиз бор. Эҳтиёт чораларини қўллашда эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳар доим ҳам чекланавермайди (масалан, гаров, шахсий кафиллик, жамоа ва жамоат ташкилотининг кафиллигида). Аксинча, айнан конституциявий ҳуқуқларнинг чекланиши лавозимдан четлаштиришни эҳтиёт чораларига яқинлаштиради. Бундан ташқари, лавозимдан четлаштириш тўғрисидаги суриштирувчи ва терговчининг қарорига прокурордан рухсат олишнинг шарт эканлиги (ЖПКнинг 256-моддаси) ушбу жиноят-процессуал мажбурлов чорасини энг жиддий эҳтиёт чораси –

<sup>39</sup> Эгамбердиева Н. Маънавий зарар қандай қопланади? // Хўжалик ва ҳуқуқ. -2003. -№11. –Б.24.

<sup>40</sup> Шнитенков А.В. Временное отстранение от должности как мера уголовно-процессуального принуждения. // Уголовный процесс. -2008. -№1. –Б.50.

<sup>41</sup> Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник. –М.: Зерцало, 1998. –Б.97-98. .

камоққа олишга яқинлаштиради. Лавозимдан четлаштириш ўз табиатига кўра ЖКнинг 47-моддасида назарда тутилган хизмат бўйича чеклашга ҳам ўхшайди, лекин улар қўлланиш мақсадлари бўйича бир-биридан кескин фарқ қилади. Хизмат бўйича чеклаш жазо чораси бўлиб, у фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилса, лавозимдан четлаштириш ҳар қандай айбланувчи, судланувчига нисбатан қўлланадиган вақтинчалик процессуал мажбурлов чорасидир. Амалдаги қонунчиликда айбланувчи ёки судланувчини мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар қандай корхона ва ташкилотда (давлат, муниципал, хусусий) эгаллаб турган ҳар қандай лавозимдан четлаштириш мумкинлиги назарда тутилади. Назаримизда, ушбу процессуал мажбурлов чорасининг номидан «лавозимдан вақтинча четлаштириш», «маълум фаолият тури билан шуғулланишни вақтинча тақиқлаш» сўзлари ўрин олиши лозим. Шахс содир этишда айбланаётган ёки гумон қилинаётган жиноятнинг характериға кўра масалан, адвокатлик, ўқитувчилик, медицина, фармацевтика, тadbиркорлик, нотариал ва ҳ.к. фаолият турлари билан шуғулланиш вақтинча тақиқланиши мумкин. Бундан ташқари ушбу процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун ҳам суддан рухсат олиш тартибига ўтилиши айбланувчи, судланувчи ҳуқуқларини кўшимча кафолатлашга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, ЖКнинг 255-моддаси «Лавозимдан вақтинча четлаштириш ёки маълум фаолият тури билан шуғулланишни вақтинча тақиқлаш» деб номлаш ва унинг диспозицияси куйидаги тарзда ифодаланиши мақсадга мувофиқдир:

*«Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор уни вақтинча лавозимдан четлаштириш ёки маълум фаолият тури билан шуғулланишни вақтинча тақиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир».*

## 6. Шахсни мажбурий келтиришда прокурор ваколатлари

Мажбурий келтириш жиддийлиги бўйича лавозимдан четлаштириш чорасидан кейинги ўринда турувчи процессуал мажбурлов чораси ҳисобланади. ЎзССРнинг 1959 йидаги ЖПКда бу чорани айбланувчига (124-модда), гувоҳга (134-модда), жабрланувчига (138-модда), судланувчига (246-модда) нисбатан қўлланилиши назарда тутилган. 1926, 1929 йилдаги ЖПКларига асосан холис ва таржимонлар ҳам мажбурий тарзда келтирилганлар. Собиқ совет тузуми давридаги қонунларда мажбурий келтириш алоҳида процессуал мажбурлов чораси сифатида эътироф этилмаган.

З.Ф.Коврига ҳам мажбурий келтиришни процессуал мажбурлов чораси эканлигини таъкидлаган: «Мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси бўлиб, у айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт ва судланувчи чақирувларга биноан узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаганда, тергов ва суд ҳаракатлари юритувини таъминлаш мақсадида суриштирувни олиб бораётган шахс, терговчи, прокурор ва суд ҳузурига мажбурий тарзда келтиришдан иборат». Бир вақтнинг ўзида юридик адабиётларда мажбурий келтириш жиноят-процессуал жавобгарлик чораси ёки жиноят-процессуал санкция ҳисобланади, деган фикрлар билдирилган. Баъзи муаллифлар мажбурий келтиришни икки хил кўринишда - жавобгарлик чораси (санкция) ва превентив чора сифатида таърифлайдилар. ЖПКнинг 262-моддасига биноан мажбурий келтириш гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг процессуал ҳаракатларда ёки суд мажлисида иштирок этишини таъминлаш учун, фақатгина бир ҳолатда - башарти улар узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган тақдирда қўлланилади. ЖПКнинг 57-моддасида фуқаровий даъвогар деб эътироф этилган шахс айна вақтда жабрланувчининг барча ҳуқуқларидан фойдаланиши ва унинг мажбуриятларини бажариши шарт эканлиги

таъкидланган. Демак, фуқаровий даъвогар ҳам мажбурий келтирилиши мумкин. ЖПКнинг 74-моддасига биноан холис ўзи иштирок этган тергов харакатини юритиш билан боғлиқ ҳолатлар бўйича гувоҳ тариқасида сўроқ қилинганда, ЖПКнинг 66-моддасида назарда тутилган гувоҳнинг ҳуқуқларидан фойдаланади ва мажбуриятларини бажаради. Бинобарин, холис гувоҳнинг мажбуриятларини бажараётган ҳолларда, унга нисбатан мажбурий келтириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қўлланилади. МДХ давлатлари қонунчилигида мажбурий келтирилиши мумкин бўлган шахслар рўйхати турлича кўринишга эга. Бу чора Арманистон Республикаси ЖПКнинг 153-моддасида фақат гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳга, Эстония Республикаси ЖПКнинг 78<sup>3</sup>-моддаси ва РФ ЖПКнинг 111-моддаси 2-қисмида эса гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва гувоҳдан ташқари фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар, эксперт, мутахассис, таржимон ва холисларга нисбатан қўлланиши назарда тутилган. Беларус Республикаси ЖПКнинг 128-моддаси 2-қисмига кўра эса мажбурий келтириш тарзидаги чора суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг қарори билан жинойт процесси иштирокчиларининг барчасига нисбатан қўлланиши мумкин. Юқорида иштирокчилар фақат узрсиз сабабларга кўра келишдан бош тортганлиги аниқланган ҳолларда мажбурий келтирилиши мумкинлиги таъкидланди. 1959 йилдаги ЖПКнинг «Айбланувчининг чақирилган жойга етиб келишга мажбурлиги» деб номланган 125-моддасида узрли сабабларнинг қуйидаги рўйхати белгиланган эди: 1) айбланувчини етиб келиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган касаллиги; 2) айбланувчининг повесткани ўз вақтида олмаганлиги; 3) айбланувчининг белгиланган муддатда етиб келиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган бошқа ҳолатлар.<sup>42</sup> Амалдаги ЖПКда бундай қоида мавжуд эмас, чақирилган шахс келмаганлигининг узрли сабаблари мавжудлиги ёки мавжуд

---

<sup>42</sup> Украина Республикасида худди шу мазмундаги қоида ҳозирга қадар амал қилади (ЖПКнинг 135-моддаси).

эмаслигини қандай аниқлаш тартиби кўрсатилмаган ва фикримизча, бундай қоидани Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қайта тиклашга ҳожат йўқ. Чунки «айбланувчининг белгиланган муддатда етиб келиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган бошқа ҳолатлар»нинг барчасини санаб ўтиш ва узрли сабабларнинг қатъий рўйхатини белгилаш жуда мушкул. Бизнингча, бундай ҳолатларнинг тахминий рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан суд амалиётининг умумлашмалари асосида ишлаб чиқилиши ва унинг тегишли қарорларида акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. ЖПКда мажбурий келтириш чораси қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланмаслиги ҳам аниқлаштирилмаган. Масалан, РФ ЖПКнинг 113-моддаси 6-қисми, Беларус Республикаси ЖПКнинг 130-моддаси 4-қисмига кўра 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар, ҳомиладор аёллар ва касаллиги туфайли ўз жойини ташлаб кетиши мумкин бўлмаган шахсларга нисбатан мажбурий келтириш чораси қўлланмайди. Назаримизда, ЖПКнинг 262-моддасида мажбурий келтириш чораси қўлланмайдиган шахслар кўрсатиб ўтилиши ва бу рўйхатдан қуйидаги тоифадаги шахслар ўрин олиши лозим: *14 ёшга тўлмаган вояга етмаганлар; ҳомиладор аёллар, касаллиги врач хулосаси билан тасдиқланган оғир беморлар; 1-гурӯҳ ногиронлари.* ЖПКнинг 97-моддаси иккинчи қисмида чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозимлиги таъкидланган. Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Бироқ, жиноят-процессуал қонунчиликда чақирув қоғози кечикиб ёхуд қандайдир сабабларга кўра умуман

топширилмаганда қандай йўл тутиш лозимлиги кўрсатилмаган. Фикримизча, шахс узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши тўғрисида огоҳлантирилмаган ҳар қандай ҳолатда, унга нисбатан мажбурий келтириш чораси қўлланмаслиги керак. ЖПКнинг 262-моддаси иккинчи қисмига кўра, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш улар суриштирув, дастлабки тергов ва суддан яшириниб юрган ёки аниқ яшаш жойи бўлмаган тақдирда қўлланилиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, баъзи МДХ давлатлари қонунчилигида, жумладан Россия Федерациясида бундай қонданнинг мавжуд эмаслиги тергов ва суд амалиётида кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун россиялик олимлар илгариги ЖПКларда мавжуд бўлган шахснинг қаерда эканлиги номаълум бўлган ҳолларда, уни олдиндан чақирувсиз мажбурий келтириш қондасини қайта тиклашни таклиф этмоқдалар.<sup>43</sup> Мажбурий келтириш процессуал мажбурлов чораси сифатида инсонга жисмоний таъсир кўрсатиш билан боғлиқ. Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади (ЖПКнинг 264-моддаси биринчи қисми). ЖКнинг 40-моддасига биноан шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойишни, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли зарар етказилган бўлса, у жиноят деб топилмайди. Демак, ички ишлар органи ходимлари томонидан мажбурий келтириш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида шахсга зарар (моддий, маънавий ёки жисмоний) етказсалар, бу ҳаракат жиноят ҳисобланмайди. Кўплаб ҳолларда мажбурий келтириш чорасини ижро этишда шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасидаги турар жой дахлсизлиги чекланади, яъни чақирилувчининг турар жойига рухсатсиз кирилади. ЖПКда бу масалани қандай ҳал этиш лозимлиги кўрсатилмаган. Бизнингча, ушбу муаммо икки

<sup>43</sup>Научно-практический комментарий к УПК РФ /Под общ. ред. В.М. Лебедева. –М.: 2002. –Б.249; Булатов Б.Б., Николок В.В. Меры уголовно-процессуального принуждения (по главе 14 УПК России). -М.: 2003. –Б.63-64.

хил вариантда ҳал этилиши мумкин: 1) суриштирув органларига мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим асосида турар жойларга ҳеч бир тўсқинликсиз киришга рухсат этилиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 264-моддасига тегишли ўзгартишлар киритиш (масалан, ЖПКнинг 161-моддаси иккинчи қисмида суриштирувчи ёки терговчи олиб кўйиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги қарорга ёки ажримга асосан иш учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳужжатларни қидириб топиш мақсадида турар жойга ёки бошқа бинога киришга ҳақли эканликлари мустаҳкамланган); 2) мажбурий келтириш чорасини ижро этиш вақтида турар жойга кириш учун прокурор ёки суддан рухсат олиш. Муаллиф биринчи вариантни маъқуллайди, чунки бу йўл суриштирув органларини ортиқча сансалорликдан халос этади. Шу жиҳатдан ЖПК 264-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмунда ифодаланиши лозим:

*«Мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажрим ижро этиш учун иш юритилаётган жойдаги ички ишлар органига топширилади. Ички ишлар органи ходимлари мажбурий келтириш тўғрисидаги қарор ёки ажримга асосан мажбурий келтирилиши лозим бўлган шахснинг турар жойи ва бошқа бинога киришга ҳақлидирлар.»*

ЖПКда мажбурий келтириш амалга ошириладиган вақт белгиланмаган. ЖПКнинг 88-моддаси иккинчи қисми 3-бандига кўра, тунги вақтда, яъни кеч соат 22<sup>00</sup> дан эрталаб соат 6<sup>00</sup> гача тергов ҳаракатлари ўтказиш тақиқланади. Бу қоида тергов ҳаракати эмас, процессуал мажбурлов чораси бўлган мажбурий келтиришга татбиқ этилмайди. Кўпгина давлатлар қонунчилигида мажбурий келтириш кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни истисно қилганда, тунги вақтда амалга оширилмаслиги таъкидланган (РФ ЖПКнинг 113-моддаси 5-қисми, Беларус Республикаси ЖПКнинг 130-моддаси 3-қисми, Украина Республикаси ЖПКнинг 136-моддаси биринчи қисми). Назаримизда, мажбуран келтирилувчи шахснинг манфаатларини эътиборга олиб, мазкур қоиданинг ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 264-

моддасидан ўрин олиши мақсадга мувофиқдир. Демак, ушбу моддага қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм киритилиши керак:

*«Мажбурий келтириш билан боғлиқ ҳаракатларни, кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларни истисно қилганда, тунги вақтда, яъни кеч соат 22<sup>00</sup> дан эрталаб соат 6<sup>00</sup> гача амалга ошириш ман этилади.» Кечикириб бўлмайдиган ҳолатларда прокурорга хабар берили лозим.*

Хулоса қилиб айтганда, мажбурий келтириш тарзидаги мажбурлов чорасини тартибга солувчи қонун нормаларида ҳам баъзи ноаниқликлар мавжуд. Уларни бартараф этилиши эса жиноят судлов ишларини юритишнинг муваффақиятини таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қўшимча кафолатлашга хизмат қилади.

## **II боб бўйича хулоса:**

Хулоса қилиб айтганда, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига, шахсни тиббий муассага жойлаштириш, лавозимидан четлаштиришга санкция бериш ваколатининг прокуратура органларидан судларга ўтказилиши жиноят процесси олдида турган вазифаларни муваффақиятли адо этиш, терговнинг қонуний ўтказилишини таъминлаш, дастлабки терговда тортишувни такомиллаштириш, процесс иштирокчиларига (энг аввало – ҳимоя томонига) ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун реал имкониятлар яратиш ва, энг асосийси, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўшимча кафолатлаш мақсадларига хизмат қилади. Бундан ташқари судларга «...қарор қабул қилишда тўла эркинлик берилиши, суд қарорларининг ҳаққонийлигига ишонч билан қаралиши ва уни ҳурмат қилиниши» мақсадга мувофиқдир.

1. Амалиётда шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш, уни сўроқ қилиш ва тергов тамом бўлганлиги ҳақида унга эълон қилиш, ҳатто иш материаллари билан уни таништириш каби энг муҳим масалаларни бир кунда ўтказиш ҳоллари амалиётда кўп тарқалган. Бу шахсни ҳимояланиш ҳуқуқига жиддий путур етказди. Шу сабабли айбланувчига бу ҳақда терговчининг

қарори тергов тамом бўлмасидан камида беш кун аввал эълон қилиши лозимлиги ЖПКда алоҳида таъкидланиши мақсадга мувофиқ.

2. ЖПК 375-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим: “Терговчи шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарорини унга эълон қилиб, сўроқ қилганидан камида беш кундан кейин тўпланган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топиши ҳамда дастлабки тергов тамом бўлганини айбланувчи ва унинг ҳимоячисига эълон қилиши, уларга барча материаллар билан танишиб чиқиш учун ишни тақдим қилиши мумкин».

3. Суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш жараёнида гумон қилинувчи, айбланувчи ушланган, сўроқ қилиш учун чақирилган, қамоққа олинган ёки мажбурий келтирилгандан кейин дарҳол, бундай имконият бўлмаган ҳолларда узоғи билан йигирма тўрт соатдан кечиктирмай сўроқ қилиниши айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлайди. Бундан ташқари қонунчиликда бемор, ҳар қандай руҳий нуқсонлари ёхуд жисмоний камчиликлари бўлган шахсларни сўроқ қилишда тиббиёт ходими ёки психолог иштирок этиши шартлиги мустаҳкамланиши (ЖПКнинг 107-моддаси), вояга етмаганларнинг ишлари бўйича суд ва тергов жараёнларида педагог, психологларнинг катнашиш тартибини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

### **III -БОБ. Процессуал мажбурлов чораларини ижро этишда ва ишни судга қадар юритишда прокурорнинг ваколатлари**

#### **1. Процессуал мажбурлов чоралари ижросини таъминлашда прокурорнинг ваколатлари**

Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хукукий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилишини қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 30-моддаси талаблари асосида қуйидагича белгиланади: шахсий даҳлсизлик ва эркинлик ҳуқуқини муҳофаза қилишга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда бажарилишини таъминлаш; ҳеч кимнинг қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олинишига йўл қўймаслик; ушлаб турилганларни сақлаш жойларида (вақтинча сақлаш ҳибсхонасида, авахта) ушлаб туриш тартиби, ушлаб турилганларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир ҳилда ижро этилишини; ушлаб турилганларни сақлаш жойлари маъмурияти томонидан қабул қилинадиган қарор ва ҳужжатларнинг қонунга мос келишини таъминлашдан иборатдир.

Демак, мазкур соҳадаги прокурор назорати учта асосий йўналишда амалга оширилади: а) жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаб туришда қонунларнинг аниқ қўлланиши устидан доимий ва қатъий назоратни амалга ошириш; б) ушланганларни сақлаш жойларида қонунларга риоя қилинишини мунтазам равишда текшириб бориш; в) қонунбузилиши ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш. Ушбу соҳадаги прокурор назоратининг самарадорлиги, прокурорлик таъсир чораларининг натижадорлиги прокурорнинг юқорида қайд қилинган назорат услубларини яхши билишини талаб қилади, шу сабабли прокурор

назоратининг услуб ва тартибларига тўхталиб ўтамиз.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратининг сифати, тегишли қонунлар ва Республика Бош прокурорининг буйруқ ва кўрсатмалари талаблари даражасида тўла амалга оширилиши учун мазкур қўлланманинг биринчи ва иккинчи бобларида ёритиб берилган ушлаб туришнинг моҳиятини, ушлаб туриш турларининг (маъмурий тартибда ушлаб туриш ва жиноят-процессуал тартибда ушлаб туриш) бир-биридан фарқини, ушлаб туриш мақсади, асос ва сабабларини чуқур билиши лозим.

Ушлаб туришнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда прокурор қуйидаги масалаларни текшириши, аниқлаши зарур: суриштирув органи ёки терговчи муайян жиноятни содир этганликда гумон қилинган шахсни ушлаганликлари тўғрисида ўз вақтида прокурорга хабар берилган ёки берилмаганлигини; ушлаб туриш учун асос ҳисобланган материалларда шахс томонидан муайян жиноят содир этилганликни кўрсатувчи маълумот мавжудлигини; материалларда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси 2-4-бандларида кўрсатилган асослар акс эттирилганми ёки акс эттирилмаганлигини; гумон қилинаётганнинг шахси ва доимий яшаш жойи аниқланган ёки аниқланмаганлигини; ушлаб туриш баённомаси тузилганми ва қонунда кўрсатилган талабларга (ушлаб туришнинг асоси ва мақсади, ушланган сана ва соати кўрсатилиши) жавоб берадими; ушланган шахс қонунда кўрсатилган муддат ва тартибда (йигирма тўрт соат ичида ҳимоячининг иштирокида) сўроқ қилинганми, унга ЖПКнинг 48-моддасида баён қилинган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганми; шахс ушлаб турилганлиги ҳақида ЖПКнинг 217-моддасига мувофиқ йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан тегишли шахсларга хабар берилганми.

Текшириш натижаларига қараб, прокурор: а) суриштирув органи ёки терговчи гумон қилинаётган шахсга нисбатан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолларда асос етарли бўлса, қамоққа олишга розилик (рухсат) беради; б) қамоққа олиш учун асос ва

сабаблар бўлмаса қамокқа олишга розилик беришни рад этиб, у шахсга нисбатан озодликдан махрум этиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ёзма равишда кўрсатма беради; в) ушлаб туриш учун ЖПКнинг 221-моддасида белгиланган асослар мавжуд бўлмаса у шахсни дарҳол қамокдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилади («Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддаси). Қарор ижро этилиши учун ушлаб турилганларни сақлаш жойи маъмуриятига юборади, унинг ижросини текширади.

Прокурор ушланган шахс тўғрисидаги хабарномани, жиноят иши материалларини ўрганишдан, гумон қилинган шахсларни сўроқ қилишдан ташқари қонунчиликнинг ҳуқуқий аҳволини тўла ва чуқур ўрганиш мақсадида милиция органига ва ушланганларни вақтинча сақлаш хибсхонасига шахсан бориб кўриш зарурияти туғилган ҳолларда, сақлаш жойларида қонунга риоя қилинишини шахсан бориб текшириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, прокурор ўз ваколатлари доирасида: ушлаб турилганларни, қамокқа олинганларни сақлаш жойларига, қамокқа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларига, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ижро этувчи муассасаларга ва вояга етмаганларнинг махсус ўқув тарбия муассасаларига монеликсиз ва исталган вақатда ҳамма хоналар билан танишиш шarti билан киришга, шахсларга нисбатан ушлаб туриш, қамокқа олиш, шунингдек жиноий жазо ёки жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилишига асос бўлган ҳужжатлар билан танишишга; ушлаб туриш, қамокда сақлаш жойларида, қамокқа олиш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан махрум қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш муассасаларда, вояга етмаганларнинг махсус ўқув тарбия муассасаларида ноқонуний сақлаб турилган шахсларни дарҳол озод қилишга; агар қамокда сақланаётган, қамок жазосига, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан

махрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилган интизомий жазо чоралари қонунга номувофиқ бўлса, бу чораларни бекор қилишга ва ўз қарори билан бундай шахсларни интизомий бўлинмалардан дарҳол озод қилишга; ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумлардан ва жиноят ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилган шахслардан ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг вакилларнинг иштирокида ҳам, улардан ҳоли ҳолда сўраб-суриштиришга; ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятларнинг буйруқлари, фармойишлари ва қарорлари, тезкор-қидирув тадбирларнинг қонунга мувофиқлигини текширишга; ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар, маҳкумларнинг ва жиноят ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чоралари қўлланилаган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлайдиган шароит яратилишини ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, жазони ва жиноят ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этувчи органлар ҳамда муассасалар маъмуриятидан талаб қилишга; жазони ижро этувчи муассаса бошлиғининг маҳкумларга алоҳида ҳолатларда муассаса ташқарисига чиқишга рухсат бериш тўғрисидаги, ўн саккиз ёшга тўлган маҳкумни тарбия колониясида қолдириш тўғрисидаги маҳкума аёлларнинг жазони ижро этиш муассасаси ташқарисида яшаши тўғрисидаги қарорларини тасдиқлашга ҳақли.

Прокурор ушлаб турилган, қамоққа олинган, озодликдан маҳрум этилган ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларига тортилган шахсларнинг жазони ижро этувчи орган ёки муассаса маъмуриятига, бошқа давлат органларига, жамоат бирлашмаларига, мансабдор шахсларга шикоят ҳамда аризалар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Прокурор ўзига тушган шикоят ёки аризани белгиланган муддатда кўриб чиқиши, зарур чора тадбирлар кўриши ҳамда ўз қарори тўғрисида

аризачига маълум қилиши шарт.

Прокурор ушланганларни сақлаш жойларида (ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасини, авахтани) сутканинг исталган вақтида бориб текшириши мумкин. Барча ушланган шахслар билан ўтказиладиган суҳбат уларни сақлаш шароитлари билан танишиш, ушланганларнинг ариза ва шикоятларини эшитиш, қонунлар ижросини текшириш, мақсадли назорат амалга ошириш текширишнинг юқори даражада самарадорлигини таъминлаш гарови ҳисобланади. Текшириш ички ишлар бўлими бошлиғи ёки унинг ўринбосари, башарти улар бўлмасалар, масъул навбатчи иштирокида ўтказилиши тавсия қилинади. Биринчи навбатда навбатчи хонасида, коридор ва ички ишлар органи хизмат хоналаридаги шахслар уларнинг нима мақсадда келганлари ёки келтирилганлари, бу ерга келган ёки келтирилган вақти, уларнинг шахсини белгиловчи материаллар аниқланади. Бу шунинг учун зарурки, амалиётда ноқонуний ушланган шахсларни кундуз куни коридор ва хизмат хоналарида, кечаси вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида баённома расмийлаштирмасдан жойлаштириш ҳоллари учрамоқда. Кейинчалик вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг бошқа камералари қурилиши зарур. Камераларни текширишда у ерда сақланаётган ҳар бир ушланган шахсни сўраб-суриштириш орқали уларнинг қачон, қай вақтда, нимага асосан келтирилганликлари, қандай шикоятлари борлиги, уларнинг характери ва мазмуни аниқланиши лозим. Мазкур маълумотларни текширувчи прокурор ўзида ёзма равишда белгилаб қўйиши лозим. Амалиётда жиноятни содир этишда гумон қилиниб, ушланган шахсларни бошқа шахслар орасида сақлаш ҳоллари ҳам бор (жумладан, маъмурий тартибда ушланганлар, маҳкумлар орасида). Шу сабабли, ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхонасининг барча камералари текширилиши шарт. Ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини текширишда биноларнинг санитария ҳолатига, ушланганларни сақлаш режими, эркаклар аёллардан, вояга етмаганлар катталардан, муқаддам судланганлар судланмаганлардан алоҳида

сақланишларига, шунингдек, маъмурий йўл билан ушланганлар жиноят содир этганлардан алоҳида сақланишларига эътибор қаратилиши лозим.

Камералар кўриб чиқилгандан кейин, у ерда сақланаётган ҳар бир ушланган шахс билан прокурор билан суҳбат ўтказилиб, уларни ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатлар (ушлаб туриш баённомаси, қамоққа олиш ҳақидаги қарор ёки ажрим) текширилади, улар ушланганларнинг асосли ва қонуний сақланишини текшириш мақсадида, барча мавжуд бўлган ҳисобга олиш ҳужжатлари билан солиштириб кўрилади. Бу ҳужжатлар ҳибсхонада ушланиб сақланаётганларни рўйхатга олиш китоби, ЖПКнинг 221-моддаси асосида тузилган ушлаб туриш баённомасининг далолатномаси корешоги, санитария журнали, ташқарига чиқаришни рўйхатга оладиган журнал, йўқловлар олиш ҳисоботи журнали, овқат бериш ведомостидан иборат. Алоҳида эътибор ушланган шахсни ҳибсхонада сақлаш учун келтирилган куни ва вақтига, ушланганларни сўроқ қилиш учун терговчи ёки суриштирувчига юборилган (берилган) вақтига қаратилиши лозим. Ушланганларни вақтинча сақлаш ҳибсхоналарини текширишда асосан қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши керак: ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги; шахс гумон қилинувчи тариқасида ушланганлиги ҳақида прокурорга ўз вақтида хабар берилганлиги; ушлаб туришнинг процессуал расмийлаштирилиши (ушлаб туриш ва шахсий тинтув ўтказиш баённомаси); ҳибсхонада сақланаётган ушланган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳисоботи; ҳибсхонада сақлаб туриш қоидалари, талабларига риоя қилиниши; ушлаб турилганларни ва эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган шахсларни ўз вақтида сўроқ қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 110-моддаси талабларининг бажарилиши; ушланганларни ва қамоққа олинганларни ҳибсхонада сақлаш муддатлари. Мазкур жойларда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини амалга ошириш натижасида қонунсиз ва асоссиз ушланган ёки қамоқда сақланаётган шахслар аниқланган тақдирда, прокурор «Прокуратура

тўғрисида»ги қонуннинг 45-моддасига мувофиқ, уларни ҳибсхонадан дарҳол озод қилиш тўғрисида қарор чиқариши ва унинг ижросини назорат қилиши зарур. Текшириш натижасида аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини, уларни келтириб чиқарган сабаблар ва имкон туғдирган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида прокурор қонунда белгиланган барча ваколат ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланиши лозим. Текшириш натижаси маълумотнома ёки акт шаклида расмийлаштирилади. Унда юқорида барча ҳужжатлардан олинган маълумотлар, қонунчиликнинг ҳақиқий аҳволи, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ўз аксини топмоғи лозим. Текширишда ноқонуний ушлаб туриш фактлари аниқланса, улар ҳам акт ёки маълумотномада кўрсатилиши шарт, ноқонуний ушланган ва ҳибсхонада сақланаётган шахс чиқариб юборилиши лозим. Акт ёки маълумотнома текширишни ўтказган прокурор ва текширишда иштирок этган ИИБ раҳбарияти, ҳибсхона бошлиғи томонидан имзоланади. Навбатдаги текшириш аввалги текширишда тавсия қилинган тадбирларнинг ижросини ва натижасини аниқлашдан бошланиши лозим, бу маълумотлар текшириш натижаси тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилиши керак.

## **2. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунлар ижро этилишини назорат қилишда прокурорнинг бошқа ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонунининг 3-бобида кўрсатилган қоидаларга биноан жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи органлар устидан прокурор назорати ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш амалга оширилади ва бу вазифа прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Прокуратуранинг асосий йўналишларига қонун жиноятчиликка қарши курашни, уни тергов қилишни ва ҳар бир жиноят учун албатта жиноий жавобгарликка тортиш

муқаррарлигини киритади.

Жиноятчиликка қарши курашда суриштирув ва тергов органлари муҳим ўрин тутаяди. Суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга оид иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга мансуб маълумотларни аниқлаганида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 328-моддаси 1-бандига кўра жиноят ишини олиб бориши мумкин. Жиноят ҳақидаги дастлабки маълумотлар прокуратурадан суриштирув органларига фақатгина бу ишлар суриштирув органларига тегишли бўлган тақдирдагина берилаяди. Бундай ҳолларда суриштирув органларига айрим оператив ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берилиши мумкин.

Тезкор-қидирув суриштирувнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, унда иш учун керакли бўлган далиллар топилаяди. Прокурорнинг тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни олиб боришдаги асосий вазифаси, бу фаолият натижасида қўлга киритилган далилларни баҳолашда иштирок этишдир.

Бу органлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштиришни ташкил этилиши устидан прокуратура назорат олиб боради. Суриштирув ва тергов органлари орасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган бўлиши жиноят судлов ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундай мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш, албатта ишлар ИИВ ва МХХ терговчилари томонидан олиб борилаётганда осон кечади, чунки улар бир ташкилотнинг ходимлари бўлганлари учун уларнинг орасида ҳеч қандай тўсиқлар бўлмайди. Бу ташкилотларнинг терговчилари ҳам тезкор-қидирув фаолияти билан яқиндан таниш бўлганликлари учун, тезкор ходимлар билан биргаликда олиб борилиши лозим бўлган тезкор-қидирув ишларининг пухта режасини ишлаб чиқиш имкониятига эга бўладилар. Прокуратура терговчилари жиноят ишини олиб борадиган ҳолларда ҳам худди шундай алоқалар ўрнатилишига эришилиши лозим. Бундай ҳолда ҳам суриштирув органи томонидан мазкур жиноят иши учун шахсан жавобгар бўлган тезкор ходим тайинланиши керак.

Дастлабки тергов ҳаракатларини юрителишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади. Дастлабки тергов органларининг фаолияти ва уларнинг ходимларининг савияси, малакаси йилдан йилга яхшиланиб бормоқда. Шу билан бирга ҳозир ҳам бу органлар томонидан жиноят ишлари юритилишида нуқсонлар учрайди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг „Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов маҳкамаси фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида“ги 1997 йил 28 майдаги 13-сонли буйруғида бу органлар фаолиятидаги камчиликлар кўрсатилиб, терговни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона ўтказиш, айбланувчини ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш, ушлаб туриш, қамоққа олиш ҳаракатларини бажариш устидан прокурорлик назоратини кучайтириш тўғрисида кўрсатмалар берилди. Дастлабки тергов босқичида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки нуқсонлар прокурорлар томонидан синчиклаб текширилиши ва унга нисбатан таъсир чоралари кўрилиши лозимлиги бу буйруқда алоҳида таъкидланган.<sup>44</sup> Дастлабки тергов органлари томонидан қонунларни ижро этилиши устидан прокурорлик назорати - бу қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратнинг бир қисми бўлиб, жиноят содир этилганлиги тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриш ҳамда ҳал қилиш, текширишни амалга оширишнинг ЖПКда белгиланган тартиби, чиқарилган қарорларнинг қонунийлиги дастлабки тергов органлари томонидан қонунлар ижро этилиши устидан олиб борадиган назоратининг соҳасидир. Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурорлик назоратининг ўрни ва аҳамияти ҳозирги кунда ошиб бормоқда. Дастлабки тергов органларининг барча фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал қонун ҳужжатларига қатъиян ва аниқ

---

<sup>44</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амалдаги буйруқлари, кўрсатмалари, низом ва йўриқномалари тўплами. Т., 2005, 92-104 б.

мувофиқ келиши лозим. Ҳар бир терговчининг ва умуман тергов маҳкамасининг фаолиятини баҳолашда асосан жиноят ишлари кўзғатишнинг қонунийлиги, тергов қонунга риоя этилган ҳолда ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона олиб борилганлиги, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказилмаганлиги эътиборга олинади.<sup>45</sup>

Жиноятларни очиш ва тергов қилишдаги прокурорлик назоратини амалга оширишда шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва турар-жой дахлсизлиги, ёзишмалар, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни сир сақланиши каби конституциявий қоидаларга алоҳида эътибор зарур.<sup>46</sup>

Дастлабки тергов ўз олдига қўйган вазифаларни бир мақсадга йўналтирилган икки муштарак томони мавжуд. Биринчи томони, ҳар бир жиноят ишини тўла ва тез очиш, айбдорларни топиш ва жиноят содир этганларни адолатли жазога тортилишига ва ҳеч бир айбсиз шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслигига эришиш бўлса, иккинчи томони, олиб борилган жиноят судлов ишлари ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни таг-томири билан йўқотишга, жамият ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга, фуқароларни қонунга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга эришишдир. Ҳар қандай жиноят ишини тергов қилишда, содир этилган жиноятнинг характеридан катъий назар, бу икки муштарак вазифа бажарилиши шарт ва улар бир-бири билан чамбарчас боғлангандир. Прокурорнинг дастлабки терговдаги асосий ваколатлари ҳам шу ердан келиб чиқади, яъни у бу икки вазифа чамбарчас ҳолда бажарилишини назорат қилади. Улардан бирининг етарли даражада бажарилмаслиги қўпол қонунбузилишларига олиб келади.

Процессуал ва тергов ҳаракатлари устидан прокурорлик назоратининг вазифаларини қуйидаги қоидалардан келиб чиққан ҳолда талқин қилиш

<sup>45</sup> Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора.- М.: «Зерцало», 2000. – Б.139

<sup>46</sup> Жиноят процесси. Махсус қисм. Ю.ф.н., доцент З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. - Т., ТДЮИ, 2003. – Б. 127.

мумкин: Ҳар қандай жиноят очилмасдан ва ҳар қандай жиноят содир этган шахс қонунда белгиланган жиноий жавобгарликдан қутулиб қолмаслиги керак.

1. Жиноят содир этишда гумон қилинган шахслар фақат қонунда кўрсатилган тартибдагина ушланиши керак.

2. Ҳеч кимнинг ноқонуний ва асосланмаган равишда жиноий жавобгарликка тортилиши ва ҳуқуқлари чекланмаслиги керак.

3. Ҳеч ким суднинг қарори ёки прокурор санкциясиз қамоққа олиниши мумкин эмас.

4. Жиноят иши кўзғатишнинг ва тергов олиб боришнинг қонунда кўрсатилган тартибига, унинг муддатларига риоя этиш ва процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларининг ҳимоясига эътибор қаратилиши шарт.

5. Ҳар бир жиноят иши ЖПКда кўрсатилган меъёрларга асосан барча шароитлар ҳисобга олиниб, ҳар томонлама, тўла ва холисона, айбланувчининг айблилиги ва айбсизлигини исбот қиладиган, айбни оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган барча ҳолатлари аниқланиб, тергов қилиниши шарт.

6. Содир этилган жиноятнинг сабаблари, уни содир этишга замин тайёрлаган шароитлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўрилиши керак.

Прокурорлар томонидан дастлабки тергов органлари устидан назоратни амалга оширишнинг муҳим шарти уларнинг ўзлари томонидан қонунларга қатъий амал қилган ҳолда иш юритишидир. Дастлабки тергов органлари ҳам қонунийлик принципига асосланган ҳолда иш кўришлари лозим. Баъзи терговчилар „жиноят ишларини очиш учун ҳар қандай усул ҳам яхши, жиноят иши очилиб, айбдорлар топилса бас“, деб ҳисоблайдилар. Бу нотўғри, албатта. Жиноят Процессуал Кодексининг 2-моддасида жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳамда ҳукм қилинмаслиги таъкидланган.

Терговчилар жиноятларни фош этишда фақатгина қонунга асосланган, қонунда кўрсатилган ва қонундан келиб чиқадиган усулларнигина қўллашлари мумкин.<sup>47</sup> Жиноят судлов ишларини юритиш жиноят иши қўзғатилгандан кейин бошланади. Шунинг учун ҳам дастлабки тергов органлари устидан прокурорлик назорати ҳам шу пайтдан амалга оширилиши керак.

Қонунда кўрсатилган жиноят ишини қўзғатиш, айблов эълон қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби терговчиларнинг бу ишларда ташаббус кўрсатиши ва ишга ижодий ёндошишини таъқиқламайди. Ҳар бир жиноят судлов ишларида қонунни тўғри татбиқ этилиши ишнинг муваффақиятли якунлашини таъминлаб, ижрочиларнинг йўл қўйиши мумкин бўлган ва процесс давомида унинг иштирокчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг жиддий чекланишига олиб келувчи хатоларининг олдини олади. Жиноят ишини қўзғатиш босқичи - жиноят процессининг мустақил босқичи бўлиб, бир томондан, жиноий ҳодисага нисбатан дарҳол таъсир кўрсатилишини таъминласа, иккинчи томондан, жиноят аломатлари бўлган фактларни аниқлайди. Жиноят ишини ўз вақтида қўзғатилиши жиноий фаолиятни давом эттиришни тўхтатиш, жиноятни тез ва тўла очиш, айби бўлган шахсларни жавобгарликка тортилиши, айби бўлмаган ҳеч бир шахсни жавобгарликка тортилмаслиги, ҳамда жиноят судлов ишларининг бошқа масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Жиноят ишини қўзғатишни етарли асосларсиз рад қилиш, қоидага кўра, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилишига олиб келади.

Бунда шуни англаш мумкинки, жиноят судлов ишларининг юритилиши устидан прокурорлик назорати жиноят иши қўзғатилган пайтдан эмас, балки ундин олдин, яъни жиноят тўғрисида хабар келиб тушган вақтдан бошлаб амалга оширилиши лозим.

---

<sup>47</sup> Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора. - М.: «Зерцало», 2000. – Б. 140.

Прокурор жиноят ишини қўзғатиш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг қонунийлиги устидан назоратни ташкил этишда барча олиб борилган процессуал ҳаракатларнинг қонунийлигини текшириши лозим.

Прокурор жиноят ишини қўзғатишнинг асослилиги ва қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ишини қўзғатиш асослари содир қилинган ёки тайёрланаётган жиноятни тасдиқловчи фактик маълумотларда ўз аксини топганлигини ҳисобга олиши лозим. Ҳеч қандай тахмин, миш-миш, субъектив ишонч жиноят ишини қўзғатишга асос бўла олмайди. Шунингдек, тезкор-қидирув воситалари билан олинган маълумотлар, агар улар бошқа маълумотлар билан тасдиқланмаса, жиноят ишини қўзғатиш учун етарли асос бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 337-моддасига мувофиқ жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлиги устидан назорат олиб бораётган прокурор: Терговчининг жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва иш қўзғатишни рад қилишга; Терговчининг жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишга ва айни вақтда иш қўзғатишга; Иш қўзғатиш тўғрисидаги ёки иш қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги суднинг ажрими устидан юқори судга протест беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 331-моддасига мувофиқ, терговчи жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарор нусхаси ишнинг тергов қилиниши устидан назоратни амалга ошириши лозим бўлган прокурорга юборади. Қонунда жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қоида мавжуд эмас. Прокурор нафақат жиноят ишини қўзғатишни қонунийлиги устидан назоратни, балки қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлиги устидан ҳам назоратни олиб бориши лозим. Тергов амалиёти шуни кўрсатадики, кўпгина қонун бузилишлар жиноят ишини қўзғатишни рад қилишда рўй беради.

Прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилишнинг қонунийлигини

текширишда кўшимча маълумотларни талаб қилиб олади. Жиноят ишини кўзғатишни рад этиш қарори устидан назоратни ташкил этишда прокурор куйидагиларга эътиборини қаратиши лозимлигини таъкидлайдилар:

Жиноят ишини кўзғатишга тўсқинлик қилувчи шарт-шароитларнинг аниқлаш учун кўрилган чораларнинг қонунийлиги; Жиноят тўғрисидаги иш материалларини кўриб чиқиш ва бу ҳақда қарор қабул қилишнинг қонунда кўрсатилган муддатларига риоя этилганлиги; Жиноят иши кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг асосланганлиги; Қабул қилинган қарорнинг процессуал тўғрисида расмийлаштирилганлиги; Жиноят ишини кўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорнинг жиноят-процессуал қонун талабларига мос келиши.

Жиноят тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлгандан кейингина, прокурор жиноят ишини кўзғатишини рад қилиш тўғрисидаги қарорни бекор қилади. Бу эса қонун бузилишларини ўз вақтида бартараф қилади, ҳамда мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан прокурорнинг таъсир кўрсатиш доирасини кенгайтиради.

Прокурор процесснинг иштирокчиси сифатида мустақил равишда жиноят ишини кўзғатиши, қамокқа олиш, тинтув, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, лавозимдан четлаштириш ва бошқа тергов ҳаракатларига санкция бериши мумкин. Прокурор терговчи томонидан ўтказиладиган ҳар қандай процессуал ҳаракатларда иштирок этиши ёки жиноят терговини мустақил равишда олиб бориши мумкин. Прокурор мансабдор шахс сифатида ўзига бўйсунадиган терговчини рағбатлантириши ёки жазолаш масаласини қўйиши, қайсидир жиноят ишини олиб боришдан четлатиши, лавозимидан олиб ташлаши қонунда белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 382-моддасига мувофиқ, суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида:

- суриштирув ва дастлабки тергов органларидан ишларни текшириш

учун, содир этилган жиноятларга оид тезкор-қидирув, суриштирув, дастлабки тергов ишларини олиб борилишига доир хужжатларни, материалларни ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ойда камида бир марта текширади;

– терговчиларнинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади;

– жиноятларни тергов қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш, жиноят тавсифини белгилаш, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, айрим тергов ҳаракатларини бажариш ва жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида ёзма кўрсатмалар беради;

– шахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қамоққа олиш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қуйиш, бошқа тергов ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги қарорларни ижро этишни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси қўлидаги ишлар юзасидан жиноятларни очиш ва жиноят содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради;

– дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда ҳар қандай иш бўйича айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажаради ёки терговни тўлиқ амалга оширади;

– тинтув ўтказишга, почта-телеграф жўнатмаларни хатлаш ва уларни олиб қўйишга, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туришга, айбланувчини лавозимидан четлаштиришга ва қонунда назарда тутилган ҳолларда суриштирув органлари ҳамда терговчининг бошқа ҳаракатларига рухсат беради; жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибда тергов юритиш ҳамда эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддатини узайтиради;

- ишларни дастлабки тергов органларига кўшимча тергов ўтказиш тўғрисида ўз кўрсатмалари билан қайтаради;
- ҳар қандай ишни суриштирув органларидан олиб терговчига беради, шунингдек, уни бир дастлабки тергов органидан бошқасига, бир терговчидан бошқасига ўтказди;
- терговчини, агар у ишнинг тергов чоғида қонун бузилишига йўл қўйган бўлса, дастлабки тергов ишларини давом эттиришдан четлатади.

Прокурорнинг жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган тартибга мувофиқ дастлабки тергов органларига терговга қадар текшириш ўтказиш, ишларни қўзғатиш ва тергов қилиш билан боғлиқ бўлган барча кўрсатмаларини бажариш мажбурийдир. Прокурорга берилган ваколатлар орқали, у дастлабки органлари томонидан йўл қўйилган қонун бузилишларини бевосита бартараф қилади. Терговчига шахси аниқланмаган иш ўтказилган бўлса, бунда улар жиноят содир этган шахсни аниқлаш юзасидан терговчини хабардор қилиб турган ҳолда ўз тезкор-қидирув ҳаракатларини олиб боришни давом эттирадилар. Прокурор жиноятларни тергов қилишда қонунларга риоя қилинганлиги устидан назоратни амалга оширади. Прокурорнинг терговни ўтказиш жараёнидаги ҳолати, терговчиникига қараганда бошқачадир. Прокурор қарор қабул қилишда мустақил бўлса, терговчи жиноят ишини юритишида прокурордан розилик ёки рухсат олишига тўғри келади. Жиноят ишини тергов қилиш, жиноят содир этган шахсларни жинойий жавобгарликка тортиш прокурор фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. Бундан ташқари, прокурор ёки унинг ўринбосари кўп воқеали жиноят ишлари бўйича айбловни айрим воқеалари юзасидан муайян шахсга нисбатан тўплаган далилларни айблов хулосаси тузиш учун етарли деб эътироф этса, шу воқеалар бўйича терговни тамомлаш ва ишни судга юбориш ҳақида ёзма кўрсатма беришга ҳақли. Бир мансабдор шахсга турли режадаги бундай ваколатларнинг берилиши

прокурорнинг дастлабки тергов босқичидаги процессуал ҳолатининг ўта мураккаб эканлигини кўрсатади ва асосийси, тергов натижалари учун жавобгарлик унинг зиммасига юклатилгандир. Прокурорнинг дастлабки тергов органлари устидан назоратининг энг самарали воситаларидан бири фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини жиддий чекловчи тергов ҳаракатларига санкция бериши ҳисобланади. Жиноят процессуал қонунда прокурорнинг санкцияси олинганидан кейин ўтказилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатларнинг рўйхати кўрсатиб ўтилган. Бунинг маъноси шуки, бу ҳаракатларнинг фақат прокурор розилиги олинганидан кейин бажарилиши керак. Қамокқа олиш, тинтув, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва давлат сири мавжуд бўлган ҳужжатларни олиб қўйиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш, лавозимдан четлаштириш каби процессуал ҳаракатлар ўтказилиши тўғрисидаги терговчининг қарорлари прокурор томонидан санкцияланади. Тугалланган жиноят иши бўйича айблов хулосаси (ЖПКнинг 379-моддаси) ҳам прокурор томонидан тасдиқлангандан кейингина судга юборилиши мумкин (ЖПКнинг 388-моддаси). Жиноят ишини ЖПКнинг 84-моддасида кўрсатилган асослар билан тугатишда ҳам прокурорнинг розилиги олинishi керак.

### **III боб бўйича хулоса:**

МДХ давлатларидаги қонун меъёрларини миллий қонунчилигимиз билан қиёсий таққослаш натижасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКда жиноят процессида прокурорнинг процессуал мажбурлов қўллаш юзасидан юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди

1. Жиноят процессида прокурорнинг ваколатларини янада кенгайтириш учун: а) суриштирув органларидан қонунда белгиланган тартиб, муддатлар, қоидаларга қатъий амал қилиш, суриштирув ва тезкор-қидирув тадбирларининг сифатини яхшилаш талаб этилади; б) терговчининг ҳақиқий процессуал мустақиллиги таъминланиши лозим; в) прокурорлар терговда

фаол иштирок этишлари, терговчига процессуал ҳаракатларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмак беришлари, ўзларининг ишни қўшимча терговга қайтариш, ишни бир терговчидан бошқасига ўтказиш ваколатларидан тўла фойдаланишлари, гумон қилинувчи, айбланувчининг ҳуқуқларини кафолатлашни назарда тутган қонун талабларининг бажарилишини синчковлик билан текширишлари ва бундай қонунбузарлик аниқланган ҳар бир ҳолатда тегишли иштирокчининг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган зарур чораларни кўришлари ҳамда прокурор назоратининг самарадорлигини оширишлари зарур; г) суд томонидан тарафларга ҳақиқий тортишувни амалга ошириш учун реал шароитлар яратилиши керак.

2. Прокурорнинг мавқеини янада ошириш юзасидан қуйидаги тадбирлар амалга оширилмоғи лозим: а) жиноят процессининг барча босқичларида прокурор назоратини ўрнатиб, уни мустақил фаолият йўналиши сифатида эътироф этиш ҳамда жиноят процесси киритиш; б) жиноят процессининг ҳар қандай босқичида манфаатга эга бўлган иштирокчиларнинг прокурор шикоят қилиш ҳуқуқини кафолатлаш; судга ташқаридан таъсир ўтказилишига йўл қўймаслик. Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда, бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштиришда прокурорлар асосий ташаббускор бўлишлари талаб этилади. Инсоният ҳаётда учрайдиган ҳар қандай муаммони биргалашиб, ҳамжихатликда ҳал этиб келган. Бугунги кунда жамиятда жиноятчиликнинг олдини олиш етакчи мавқени эгаллаётган экан, барча кучларни бирлаштиргандагина бу вазифани муваффақият билан адо этиш мумкин. Ҳар қандай қонунни қабул қилиш учун, аввало, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳуқуқий ва бошқа бир қатор омиллар яратилган бўлиши керак.

## ХУЛОСА

Республикаларимизда ҳуқуқий давлат қуришдек олий мақсад устувор вазифа қилиб белгиланди. Президентимиз И.А.Каримов томонидан илгари сурган беш тамойилдан бири қонун устуворлиги тамойили ҳисобланади. Бу тамойил ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъий устувор бўлиши лозимлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, хўжалик юритувчи ташкилот, мансабдор шахс ва ҳеч бир фуқаро қонунга бўйсиниш мажбуриятдан ҳолос бўлиши мумкин эмас.

Қонун устуворлигини амалга ошириш усулларида бири жиноятчиликка қарши қурашишдир. Чунки муҳтарам юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Инсон самарали ишлаши учун, энг аввало, хотиржам яшаши керак”<sup>48</sup>. Хотиржамликни таъминлашдек масъулиятли вазифа эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шу жумладан прокуратура органларининг зиммасига юклатилган.

Инсон ҳар нарсага - очликка, муҳтожликка чидаши мумкин, лекин адолатсизликка ҳеч тоқат қила олмайди. Шундай экан, адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Бу ғоя қонунчилик фаолиятининг замини, бош йўналиши бўлмоғи даркор. Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида ҳукуватимиз юритаётган изчил сиёсат прокуратура органлари фаолиятидаги муҳим йўналишларни белгилаб берди.

Қонунларнинг тўғри қўлланиши қонунбузарлик ҳолатларининг тўлиқ очилишини, айбдорларни қош этилишини тезлаштиради, жиноят содир этган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли жазо тайинланиши, айбсизларни жиноий жавобгарликка тортилиши ва судланишига чек қўйилишини таъминлайди.

Қонунни қасдан ҳар қандай четлаб ўтиш, адолатсизликка йўл қўйиш, ғайриқонуний равишда фуқароларни ушлаш, ҳибсга олиш ва жиноий

---

<sup>48</sup>Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-Т. -Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б. 18.

жавобгарликка тортиш каби ҳаракатларга фавқулодда ходиса деб қарашни йўлга қўйиш керак. Бундай ҳаракат рўй берган ҳолларда, қонуннинг шу тарзда бузилиши оғир оқибатларга олиб келганлиги, вазиятни юзага келишида сабаб бўлган ҳолатларга ҳам объектив баҳо берган ҳолда тезкор йиғилишларда ва ҳайъат мажлисларида муҳокама қилиниб, айбдор шахсларнинг жавобгарлиги масаласи қонун доирасида қатъий ҳал қилинади.

Ҳар бир қонунсиз ҳибсга олиш, асоссиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларида назоратни олиб борган прокурор интизомий ва жиноий жавобгарлик масаласини кўриши керак.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, шахсни шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш ҳуқуқини белгиловчи қонун талабларига қатъиянриоя этилишини прокурор ўз назорати остига олади.

Прокурор назорати фанини ривожлантириш учун янги дарсликлар яратилиши лозим, чунки фаннинг тараққиёти амалиётга ижобий таъсир ўтказди. Ушбу тадқиқот билан боғлиқ бўлган ўз таклифларимни баён қиламан:

1. Амалиётда шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш, уни сўроқ қилиш ва тергов тамом бўлганлиги ҳақида унга эълон қилиш, хатто иш материаллари билан уни таништириш каби энг муҳим масалаларни бир кунда ўтказиш ҳоллари амалиётда кўп тарқалган. Бу шахсни ҳимояланиш ҳуқуқига жиддий путур етказди. Шу сабабли айбланувчига бу ҳақда терговчининг қарори тергов тамом бўлмасидан камида беш кун аввал эълон қилиши лозимлиги ЖПКда алоҳида таъкидланиши мақсадга мувофиқ. ЖПК 375-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши лозим:

***“Терговчи шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида қарорини унга эълон қилиб, сўроқ қилганидан***

*камида беш кундан кейин тўпланган далилларни айблов хулосасини тузиш учун етарли деб топиши ҳамда дастлабки тергов тамом бўлганини айбланувчи ва унинг ҳимоячисига эълон қилиши, уларга барча материаллар билан танишиб чиқиш учун ишни тақдим қилиши мумкин”.*

2. Дастлабки тергов ва суриштирув давомида шахснинг ўз айбига иқдор бўлиши уни айблаш учун асос деб ҳисобланмаслиги керак. “Бу иқдор бўлиш мавжуд далиллар мажмуи билан тасдиқланган тақдирдагина айблаш учун асос қилиб олинishi мумкин» (ЖПК 112-м. 1-қ.), деган жумла қонун матнидан чиқариб ташланиши лозим. Чунки, мантиқан агар айблашга “мавжуд далиллар мажмуи” бўлса, айбга иқдорликка асосланиш учун зарурат қолмайди. Иқдорликка қандай шароитда эришилгани ҳам ҳимоячи учун жумбоқ бўлиб қолади. Шу муносабат билан ЖПКнинг 112-моддаси биринчи қисми қуйидаги тахрирда ўзгартирилиши керак:

*“Гумон қилинувчининг ва айбланувчининг суриштирув ҳамда дастлабки тергов давомида берган кўрсатувлари ва айбига иқдорлиги, фақат ҳимоячи ҳузурда берилган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади”*

3. Прокурорнинг ваколатлари тўғрисидаги ЖПКнинг 382-моддасида “содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганлигини ҳар ойда камида бир марта текширади» деб ёзилган. Менимча бу суриштирув органлари устидан назоратни тўғри ташкил этиш учун етарли эмас. Чунки суриштирув муддати ўн сутка қилиб белгиланган.

Шу ерда ЖПКнинг 382-моддасига қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: *“содир этилаётган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ва маълумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва ҳал этиш тўғрисидаги қонун талаблари қай даражада ижро этилаётганини ҳар ойда камида икки марта текширади”.*

4. ЖПКнинг 226-моддасининг 1-қисмида «Ушлаб туриш ушланганни милицияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган вақтдан бошлаб етмиш икки соатдан ортиқ давом этиши мумкин эмас» дейилган. Шу модданинг 3-қисмида эса прокурорнинг рухсати билан гумон қилинувчига айб эълон қилмай, 10 кунгача қамокда сақлаш тарзидаги чора кўлланиши мумкинлиги акс этган. Менимча, халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлган гумон қилинувчини 72 соат ичида ушлаб туриш 48 соатга алмаштирилиши ва 10 кунгача қамокда сақлаш ҳақида ЖПКдаги қоида бекор этилмоғи зарур: *Бинобарин, ЖПК 226-моддасининг биринчи қисмидаги “етмиш икки соатдан” сўзлари “қирқ саккиз соатдан» сўзлари билан алмаштирилсин. Шу модданинг 3-қисми чиқариб ташлансин.* Жинойтчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишда, бу йўналишдаги ишларни мувофиқлаштиришда прокурорлар асосий ташаббускор бўлишлари талаб этилади. Инсоният ҳаётда учрайдиган ҳар қандай муаммони биргаллашиб, ҳамжихатликда ҳал этиб келган. Бугунги кунда жамиятда жинойтчиликнинг олдини олиш етакчи мавқени эгаллаётган экан, барча кучларни бирлаштиришдагина бу вазифани муваффақият билан адо этиш мумкин. Ҳар қандай қонунни қабул қилиш учун, аввало, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳуқуқий ва бошқа бир қатор омиллар яратилган бўлиши керак.. Прокурорларимиз энг ривожланган дунё давлатларидаги ҳамкасбларининг илғор тажрибаларини муваффақиятли ўзлаштириб олмоқдалар ва ўз ютуқларини улар билан тенгма-тенг ўртоқлашмоқдалар.

Ҳар қандай қонун иқтисодий жиҳатдан таъминлансагина, у ишлай бошлайди. Давлатимизда қабул қилинаётган кўплаб қонунлар каби, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг ҳам ҳаётга татбиқ этилиши учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2012. – 38 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2013 йил 1 февралгача бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: “Адолат”, 2013 й. – 728 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). –Т.: 2002. –57 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. –Т.: 2005. – 331 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқ ва низомлар тўплами. –Т.: 2005. -544 б.
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Т.: Адолат, 2004. – 270 б.

### **II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Махмасининг қарорлари.**

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги 2005 йил 8 августдаги фармони. Халқ сўзи. 2005 й. 9 август.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари:**

8. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-Т. -Т.: Ўзбекистон, 1994. –Б. 18.

9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий қадрият. Т.14.- Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – 280 б.

10. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. -366 б.

11. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. - 348 б.

12. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т. 20. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. -320 б.

13. Каримов И.А. 2012 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир” деб номланган маъруза // “Халқ сўзи” газетаси. 2012 йил 8 декабрь.

14. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” номли 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” газетаси. 2013 йил 19 январь.

#### **IV. Асосий адабиётлар:**

15. Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора Учебник. -М.: Зерцало, 2001. -Б. 229.

16. Басков В.И. Курс прокурорского надзора. Учебник для вузов. М.: 1998. –Б. 239.
17. Булатов Б.Б., Николюк В.В. Меры уголовно-процессуального принуждения (по главе 14 УПК России). -М.: 2003. –Б.63.
18. Громов Н.А., Францифоров Ю.В. Правоприменительная деятельность органов предварительного расследования, прокуратуры и судов. Основные начала: Учебное пособие для вузов. - М.: ПРИОР, 2000. – Б.108.
19. Гуценко К.Ф., Ковалев М.А. Правоохранительные органы. Учебник для студентов юридических вузов и факультетов. -М: 1999. – Б.291.
20. Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. Учебник. –Нукус: Билим, 1999. –Б.194.
21. Еникеев З.Д. Принципы применения мер пресечения по уголовным делам. –Уфа: БашГУ, 1997. –Б.92.
22. Жиноят процесси. Махсус қисм. З.Ф.Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. - Т., ТДЮИ, 2003, 127-б.
23. Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процесси. Махсус қисм. - Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.127.
24. Комментарий к ФЗ «О государственной судебно-экспертной деятельности» /Под ред. Ю.Г. Корухова, Ю.К. Орлова, В.Ф. Орловой. –М.: 2002. –Б. 54.
25. Модельный Уголовно–процессуальный кодекс для Государств – Участников СНГ // Информационный бюллетень Межпарламентской Ассамблеи СНГ. –1996. –№10.
26. Научно-практический комментарий к УПК РФ /Под общ. ред. В.М. Лебедева. –М.: 2002. –Б.249;
27. Петрухин И.Л. Свобода личности и уголовно-процессуальное принуждение. –М.: 1985. –Б. 102.

28. Серебрякова С.П. Следственные действия // Уголовный процесс России / Науч. ред. В.Т. Томин. – М.: 2003. – Б. 393.; Кальницкий В.В. Следственные действия. – Омск: 2003. – Б. 59.

29. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Комментарий к УПК РФ. – СПб.: 2003. – Б. 312.; Булатов Б.Б., Николук В.В. Меры уголовно-процессуального принуждения (по главе 14 УПК России). – М.: 2003. – Б. 35.

30. Тулаганова Г.З. Жинойт процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари. – Т.: ТДЮИ, 2010. – Б.154.

31. Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник. – М.: Зерцало, 1998. – Б.97-98. .

#### **V. Қўшимча адабиётлар:**

32. Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора. - М.: «Зерцало», 2000. – 139 б.

33. Басков В.И., Коробейников Б.В. Курс прокурорского надзора. - М.: «Зерцало», 2000. - 140 б.

34. Головки Л.В. Допитие и предварительное следствие в уголовном процессе Франции. – М.: 1995. – Б. 17.

35. Григонис Э.П., Григонис В.П. Конституционное право зарубежных стран. – СПб.: 2002. – Б. 41.

36. Гуценко К.Ф. Головки Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. – М.: 2001. – Б. 217.

37. Петрухина И.Л. – Судебная власть М.: ООО «ТК Велби», 2003. – Б.172.

38. Кудрявцева А.В. Институт судебной экспертизы в уголовном процессе: Дисс. ...д-ра юрид. наук. – СПб.: 2001. – Б.28.

39. Курочкина Л. Новая редакция УПК РФ о сроках предварительного расследования и содержания обвиняемых под стражей. // Уголовное право. -2008. -№2. –Б.107.

40. Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Автореф. дисс....док-ра. юрид. наук. Т.:1993. -Б.48.
41. Мизулина Е. Новый порядок ареста и задержания соответствует Конституции РФ и международным правовым стандартам // Российская юстиция. –2002. –№6. –Б.14.
42. Прокурорский надзор. /Под ред. А.Я.Сухарева. -М.: Норма, 2003. -Б.203.
43. Прокурорский надзор: Учебник / Под ред. Г.П.Химичевой. – М.: Юрлитинформ, 2001. –Б.97.
44. Прокурорский надзор.Учебник. / Под ред. проф. Ю.Е. Винокурова. -М.: Юрайт-М, 2004. -Б.301.
45. Пулатов Б.Х. Судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурорнинг процессуал фаолияти. –Т.: Х.Ф. Мизим, 2004. –Б.211.
46. Россинский С.Б. Уголовный процесс России. Курс лекций. –М.: Эскмо, 2008. –Б.175. (576 б.)
47. Рустамбоев М.Х., Никифорова Е.Н. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари -Т.:ТДЮИ, 2005. –Б. 331-334.
48. Рыжаков А.П., Сергеев А.И. Кассационное производство. -М.: Филинь, 1997. –Б.214.
49. Рыжаков А.П Уголовный процесс. - М.: ПРИОР, 1999. –Б.49-52.
50. Соловьев А.Б., Токарева М.Е., Халиулин А.Г. Прокурорский надзор за исполнением законов при расследовании преступлений. - М.: Юрлитинформ, 2000 . –Б.116.
51. Тухташева У.А. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси: тушунчаси ва қўллаш тартиби. –Т.: ТДЮИ, 2007. –Б.40.
52. Уголовный процесс. Под ред. К.Ф. Гуценко. -М.: Зерцало - М, 2001. -Б. 108.

53. Ҳалилов Э.Ҳ. Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. -Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 9.
54. Чувилев А. А. Прокурорский надзор в Российской Федерации. Учебник. -М.: Юрист, 1999. –Б.322.
55. Якубовский Д.О. Процессуальное доказывание. Понятия, средства, стадии. -М.: 2001. –Б. 228.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:**

56. Абдумажидов Ғ.А. Адолат, жавобгарлик, жазо. // Давлат ва ҳуқуқ. -2003.- №4. –Б.14.
57. Абдумажидов Ғ.А Судебный порядок заключения под стражу: законодательство, проблемы и решения.// Перспективы и развитие адвокатуры Узбекистана и зарубежных стран. Материалы научно-практической конференции. 31 октября -1 ноября 2007 г. –Москва, Самарканд: 2008. –Б.87.
58. Абдумажидов Ғ.А Ювенальные нормы в Уголовно-процессуальном кодексе Узбекистана. // Ҳуқуқ. Право. Law. -2006. -№2. – Б.50.
59. Абзалов А. Ожиз аҳволдаги жабрланувчи: унга суд экспертизаси тайинлашнинг ўзига хос хусусиятлари. // Ҳаёт ва қонун. - 2003. -№4. –Б.20.
60. Абзалов А. Экспертиза тайинлаш шарт. // Қонун ҳимоясида. - 2003. -№4. –Б.31.
61. Багаутдинов Ф. Изучение личности обвиняемого.//Законность. -2001. - №1. –Б.51.
62. Баранов А.М., Супрун С.В. Задержание подозреваемого: процессуальное обоснование законности. // Уголовный процесс. -2008. - №1. –Б.16.

63. Воскресенский В. В. Участие прокурора в рассмотрении дел // Российская юстиция - 1996 - № 7 -Б. 2-4.
64. Горобец Б. Принятие судебных решений о заключении под стражу // Российская юстиция. –2002. –№6. –Б.18.
65. Кодиров Р.Ҳ. Мустақиллик, қонун ва прокуратура. //Қонун ҳимоясида. – 2002. -№ 8. –Б. 5.
66. Колоколов Н.А. Избрание меры пресечения в виде заключения под стражу: участники процесса и алгоритм судебного действия. // Уголовный процесс. -2008. -№9. –Б.27.
67. Колоколов Н.А. Решение вопроса о мере пресечения: социально-криминологический и юридико-технический аспекты. // Уголовный процесс. -2008. -№8. –Б. 42.
68. Мадалиев О., Асраев А. Жиноят ишларини кўрилишида прокурорнинг процессуал мавқеи ва ҳимоячи билан ўзаро муносабати./ «Ўзбекистон Республикасида адвокатуранинг такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.92.
69. Мельников Н. Участие прокурора в суде – важное условие соблюдения конституционных прав граждан. // Законность. -1999. - №8. – Б.47.
70. Петрухин И.Л. Человек и власть. –М.: 1999. –Б. 279, 288, 289.
71. Пўлатов Б. Малака - асосий мезон. //Қонун ҳимоясида. -1997. - №3. –Б.12.
72. Рустамбаев М.Х. Установление судебного контроля за досудебным производством. // Некоторые вопросы применения заключения под стражу: международные стандарты и зарубежный опыт. Сборник материалов научно-практической конференции. –Т.: ТГЮИ, 2007. –Б.12.

73. Савченко А.Н. Заключение под стражу обвиняемого после направления дела в суд. // Уголовный процесс. -2008. -№4. –Б.35.
74. Саломов Б.С. Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасининг суд томонидан қўлланишида адвокатнинг иштироки. –Т.: Фан, 2008. –Б.17.
75. Скибинский А.В. Избрание меры пресечения в виде заключения под стражу. // Уголовный процесс. -2008. -№1. –Б.17.
76. Скуратов Ю. Полномочия прокуратуры во взаимоотношениях с судебной системой // Российская юстиция. -1999. -№ 3. –Б.14-16.
77. Сорокин Л. Справедливость и законность в правосудии // Юстиция. -1991. №23-24. –Б.8-9.
78. Файзиев Ш.Ф. Прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг ташкил топиши ва вазифалари./ Ёш олимлар тўплами. №5. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б. 153.
79. Ҳидоятлов Б. Некоторые особенности взаимодействия следователя с органами дознания при расследовании дел связанных с незаконным оборотом наркотических средств. /Гиёҳвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт. Конференция материаллари, -Т.: ТДЮИ, 2002. –Б. 126.
80. Шарафутдинов А. Такомилнинг янги босқичи.// Ҳуқуқ ва бурч. -2008. -№1. –Б.19.
81. Шарафутдинов А. Ушлаб туриш институтининг такомиллашуви. // Ҳуқуқ. Право. Law. -2005. -№3. –Б.5.
82. Шнитенков А.В. Временное отстранение от должности как мера уголовно-процессуального принуждения. // Уголовный процесс. -2008. -№1. –Б.50.
83. Эгамбердиева Н. Маънавий зарар қандай қопланади? // Хўжалик ва ҳуқуқ. -2003. -№11. –Б.24.

84. Эргашев Х., Накипов К. Дастлабки тергов жараёнида шахсни маънавий реабилитация қилишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти. // Қалқон. -2005. -№1. –Б.12-13.

#### **VII. Интернет сайтлари:**

85. [http://www.vkks.ru/ss\\_detale.php?id=69](http://www.vkks.ru/ss_detale.php?id=69)
86. <http://www.ref.by/refs/65/38620/1.html>
87. <http://www.ref.by/refs/86/19457/1.html>
88. <http://www.allpravo.ru/library/doc117p0/instrum4132/print4133.html>
89. [http://www.supcourt.ru/news\\_detale.php?id=5172](http://www.supcourt.ru/news_detale.php?id=5172)
90. <http://france.allcourts.ru/>
91. <http://www.zonazakona.ru/law/comments/157/>
92. [http://www.dissland.com/catalog/12-00-11-sudebnaya\\_vlast](http://www.dissland.com/catalog/12-00-11-sudebnaya_vlast)
93. <http://germaniya.net/pravovaya-sistema-germanii/sydebnaya-sistema-i-organy-kontrolya-germanii.html>
94. [http://www.mfit.ru/power/pub\\_3\\_139.html](http://www.mfit.ru/power/pub_3_139.html)